БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 22 май
Сешанба
№ 96. (13.532).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўқувчиларнинг жумҳурият йиғини

16-19 май кунлари Тошкент вилоятининг «СССР 50 йиллиги» кашшофлар лагерида мактаб ва ўрта хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг жумҳурият йиғини бўлиб ўтди.

Йиғин Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳамда жумҳурият Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилди. Тадбирда жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва ноҳияларидан вакиллар ҳозир бўлдилар.

Мактабда комсомол қандай иш билан машғул бўлиши керак? Комсомолнинг 30 фоизини ташкил этадиган ўқувчилар ростдан ҳам келажак эгаларими? Ҳозирги замон ўқувчисининг ижтимоий қиёфаси қандай? Нега энди комсомолда ўқувчилар билан ишлашга мўлжалланган махсус программа йўқ? Шу каби саволларга йиғин жавоб бериши керак эди.

Йиғинда унинг президенти қилиб Қарши шаҳридаги 9-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Тўраева сайланди. Шаҳноза тадбир очилишида йиғилганларга ўз программасини ошкор этди.

Сўнгра вакиллар 4 та муаммо марказларида иш олиб боришди: мактаб ва хунар-техника билим юртлари комсомол - ўқувчиларнинг мақсад ва режалари; мактаб комсомоли ва сиёсат; комсомол ва мактаб; комсомол ва ундан четда қолган ёшлар. Ҳар бир марказ хулосаси ва таклифлари йиғин резолюциясига киритилди. Улар Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси пленумига кўриб чиқиш учун тавсия этилади.

Шу йилнинг июль ойида эса «Орлёнок» кашшофлар лагерида Бутуниттифоқ йиғини бўлиб ўтади.

Мактаб ва ўрта хунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг жумҳурият йиғини ишида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиблари И. Бибиков, М. Раҳимбердиева ҳамда жумҳурият халқ таълими вазирининг муовини С. Махненко иштирок этдилар.

Дилбар РИЗАЕВА,
Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ёшлар таълими бўлими йўриқчиси.

Дала юмушлари



Чигитларнинг текис униб чиқиши кўпгина жамоанинг ташвишларини бироз енгил торттирган бўлса-да, пахтакор юмушдан тиним билмайди. Оқолтин ноҳиясининг Абдалин номидаги давлат хўжалигидаям аҳвол шу. Дилбар Таниқулова оилавий ижара бошлиғи. Улар ихтиёрларидаги майдондан 22 центнердан етказиб хирмон уюшни мақсад қилганлар. Пайкалларга берилаётган маҳаллий ўғитлар, ўз вақтидаги ишловдан уларнинг аҳди бажарилишига ишонч бор.

СУРАТЛАРДА: жамоа етакчиси вилоят Советининг депутати Д. Таниқулова хўжалик директори Ж. Тўхтаев билан пайкалда. Далада ишлов кетяпти.

Е. БОТИРОВ суратга олган.

Сирдарё вилояти.



АРИЛАР КЎП, АСАЛ ЭСА МЎЛ

Хоразм асаларичилик давлат хўжаликларида асал йиғиб олиш бошланди. Асал кўп бўлиши кутилмоқда. Баҳорда ёғингарчилик кўп бўлгани шундай ўйлаш учун асос бўлади. Ёмғир одатда қовжираб ётадиган Қорақум ва Қизилқумни чаманзорга айлантириб юборди. Асалари уяларининг аксарияти олдиндан айни шу ерга келтириб қўйилган эди.

«Урганч», «Боғот», «Янгиариқ», «Гурлан» давлат хўжаликларининг асаларичилари шифобахш маҳсулотни йиғиб олишни уюшқоқлик билан ўтказишаяпти.

Ҳозир воҳадаги экология вазияти анча яхшиланди. Бир-икки йил аввал «химияга таяниш», яъни гербицидлардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалиги зараркунандаларинингина эмас, шу билан бирга кўпгина фойдали ҳашаротларнинг, шу жумладан асалариларнинг ҳам нобуд бўлишига олиб келарди.

Энди бу ваҳшийликка чек қўйилди.

Бу йил «Хоразмпчелосовхоз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси 400 тонна — йиллик топшириқда белгиланганидан 50 тонна кўп ширин ва шифобахш маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олди. Бирлашма маҳсулотни идишларга солишни ташкил қилди: ихтисослаштирилган цех ишга туширилди. 200 граммли банкачаларга солинган хушбўй асалнинг дастлабки туркумлари ҳозирнинг ўзидаёқ жумҳурият шаҳар ва қишлоқларига жўнатилди. (ЎзТАГ).

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ОЙНАИ ЖАҲОНИДА 30 ИЮНЬ — 1 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН 24 СОАТЛИ УЗЛУКСИЗ КЎРСАТУВНИНГ ШИОРИ АНА ШУНДАЙ.

Кенг кўламли меҳр-мурувват тадбирини Орол ва Орол бўйини қутқариш жамоатчилик қўмитаси Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси билан биргаликда уюштирмоқда. Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбири А. Баранов, Орол қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати, узлуксиз телекўрсатувни тайёрлаш ва ўтказиш ташкилот қўмитаси раисининг ўринбосари П. ШЕРМУҲАМЕДОВдан ушбу кўрсатувнинг мақсадлари ҳамда вазифалари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Авваламбор, Орол теварагидаги бугунги аҳвол хусусида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Орол теварагидаги аҳволни фалокатли деган фақат битта сўз билан таърифлаш мумкин. Денгиз ҳақиқатан ҳам шитоб билан қуриб бормоқда, кейинги икки-уч йил ичида унинг сатҳи яна бир метр пасайди. Энди денгиз суви дастлабки белгига нисбатан 14 метр пасайиб кетганлиги маълум. Олимларнинг тахминларига кўра, келаси аср бошларидагина денгиз ҳавзаси иккига ажралиши керак эди. Лекин аччиқ ҳақиқат шундаки, бу воқеа шу кунларда содир бўлди!

Оролнинг қуриши маҳаллий экологик фалокатгина эмас, бу Ўрта Осиё — Қозоғистон минтақасидаги тангликнинг, миллионлаб кишилар ҳаётидаги фожианинг аянчли кўрсаткичидир. Бу ерда болалар ўлими мамлакат бўйича аянчли тарзда «рекорд» қўяётганлиги бежиз эмас, ахир, соғлиқни муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган тадбирларга қарамай, минтақада касаллик йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган йили аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари Орол бўйида соғлом кишилар амалда қолмаганлигини, минтақада яшаётган ўн кишининг тўққиз нафари даволанишга муҳтож эканлигини яна бир марта ишончли тарзда кўрсатди... Сўнгги маълумотларга қараганда, бепоён туз саҳроси, яъни қуриб қолган денгиз тубида пайдо бўлган ва кемирувчи ҳайвонлар ўзига макон қилиб олган оролқум кўпгина касалликларнинг, шу жумладан, энг хавфли вабо касаллигининг қўшимча манбаига айланди.

Биринчидан, узлуксиз телекўрсатувимизнинг мақсади ана шунга асосланади: кўрсатув орқали минтақада ҳозир юзага келган ҳақиқий вазият хусусида одамларга холис ва иложи борича тўлароқ хабар қилишимиз, экологик офат рўй берган ерга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишимиз, бу ерда юзага келган муаммоларнинг қай даражада жиддийлигини кўрсатиб беришимиз керак.

— Менимча, одамларнинг Орол бошига тушган фалокатдан хабардорлиги маъносида, уларнинг эътиборини қаратиш масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ. Кейинги йиллар мобайнида Орол фожиаси ҳақида барча даражаларда баралла айтишмоқда ва ёзишмоқда. Сизнинг жамоатчилик қўмитангиз ҳам айни шу ошкоралик тўлқинида туғилганини ҳам биламан. Умумиттифоқ даражасида ҳам, жумҳурият даражасида ҳам хилма-хил қарорлар қабул қилинди...

— Шундай бўлса ҳам, бизнинг ишончимиз комилки, Орол ва Орол бўйининг ҳақиқий ва ниҳоятда ташвишли тақдиридан — минтақадаги ишларнинг аҳволидан аҳоли ҳам, жамоатчилик ҳам мутлақо етарли даражада хабардор эмас. Гап шунчаки эътиборни жалб қилишда эмас, балки бу ҳаракатлар янада фаол, ошкоралик эса амалий бўлишидадир.

Орол ҳақида кўп ёзаётганимиз, кўп гапираётганимиз тўғри. Лекин натижачи? Ҳозирча бу ердаги на экологик, на санитария, на ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўзгаргани йўқ. Баъзи силжишлар эса фақат ёмонлик сари бўлди. Ҳақиқатан ҳам ниҳоятда муҳим ва керак бўлган қарорлар қабул этилди-ю, лекин улар амал қилмаяпти. Шу жумладан, бурноғи йили «партия ҳукуматимиз қабул қилган 1100 рақамли қарор ҳам амалга ошмаяти.

Мазкур ҳужжатда, жумладан, Орол денгизига дарёдан бир йил мобайнида оқадиган сувнинг 8,7 кубокилометрини албатта ўтказиш кераклиги айтилади. Бир йил ичида 30 кубокилометрдан кўпроқ сувни буғлантирадиган денгиз учун бу жуда кам миқдор эканлигини очиқ-ойдин айтишимиз керак. Лекин шуни ҳам, бирор киши бажармайдиганга ўхшайди. Бурноғи йили, қарор чиққунига қадар жамоатчиликнинг куч-ғайрати билан кўп йиллик танаффусдан сўнг денгизга Амударё ва Сирдарё сувининг 23 кубокилометрини оқизишга муваффақ бўлинганди, ўтган бутун йил давомида эса Орол атиги 3,5 кубокилометр сув олди. Бинобарин, бу фақат Сирдарё суви эди — Амударё сувлари, аввалги нохуш йилларда бўлгани сингари, денгизга бориб етолмади. Бу йил, ҳали биз тилга олган қарор тўла кучга кирганидан кейин ҳам денгизга бир грамм дарё суви бормади, май ойи аввалидаги мавжуд маълумотлар ана шундан далолат беради.

Партия-ҳукуматнинг Орол денгизи атрофидаги аҳволни ҳар томонлама соғломлаштиришга қаратилган ниҳоятда муҳим ҳужжатидаги бошқа кўплаб бандлар ҳам кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Биз ана шу қарорни бажариш учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг фикрларини эшитиб турибмиз: уларнинг кўпчилиги қарорни бажариш мумкин эмас, деб ҳисобламоқда, шу боисдан ҳам ўз нуқтаи назарларида фойдасиз бўлган ишга беҳуда ҳаракат қилмоқчи эмаслар. Бўлажак узлуксиз телекўрсатув уйғотган жамоатчилик фикрининг фаол таъсирида баъзи раҳбарлар ўз фикрларини ўзгартиришларига мажбур бўлишларига, ўзларига топширилган ишни бажариш учун чинакамига киришишларига жуда-жуда умид қиламиз.

Биз узлуксиз телекўрсатувни ташкил этишдан кўзлаган иккинчи мақсадимиз шундан иборат: хайр-эҳсон ҳаракати натижасида маълум даражада маблағ орттирамиз. Улардан ниҳоятда ўткир, етилган ижтимоий масалаларни амалда ҳал этиш, Орол бўйидаги турмуш шароитларини ҳозирчалик бир оз бўлсада енгиллатиш учун фойдаланмоқчимиз.

— Агар аниқроқ айтадиган бўлсакчи! Бинобарин, бу вазифаларни ўша раҳбарлар, хўжалик ходимларисиз амалга ошириб бўлмайди...

— Аниқ айтадиган бўлсам, биз бўлажак узлуксиз телекўрсатувдан тушган барча пулларни Оролбўйи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун фойдаланиш ниятидамиз. Ҳозир ушбу муаммо Орол бўйида ҳам билвосита, ҳам бевосита маънода ниҳоятда қалтис бўлиб турибди. Шаҳарлар ва овулларда ичимлик сув мутлақо етишмайди, унинг сифати ҳатто оддий тиббий талабларга мутлақо жавоб бермайди...

Албатта, қишлоқ жойларидаги аҳвол, айниқса, ёмон. Шаҳарларда ҳозир қурилаётган сув қувурлари ҳисобига ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашга ҳар ҳолда умид бор, лекин Оролбўйи қишлоқ аҳолиси — улар эса юз минглаб кишини ташкил этади — ўз истиқболини амалда кўролмаяпти. Уларга ёрдам бериш зарур.

Пулларни қандай сарфлашга келганда эса, бизнинг тажрибамиз бор. Сиз биласиз, «Орол жамғармаси» — Орол денгизи ва Орол бўйини қутқариш учун фуқаролардан кўнгилли равишда тушган хайрия жамғармаси бир неча йилдан бери ишламоқда. Нисбатан унча кўп бўлмаган ана шу даврда бундай хайриялар, меҳнат жамоаларидан тушган пуллар беш миллион сўмга яқинлашиб қолди. Ҳозир бу пуллар Чимбой ноҳиясида 200 ўринли болалар соғломлаштириш комплексини бунёд этишга берилди... Хўжалик ходимлари пулларимизни олишдан бош тортмаяптилар — бу пуллар ҳозирги вақтда ана шундай хайрли ишлар учун ниҳоятда зарур.

Шундай қилиб, бизнинг кўнгилли хайрия ҳисоб дафтарчамиз «Орол яшаши керак» деб аталган бўлажак узлуксиз телекўрсатувнинг хайрия ҳисоб дафтарчасига айланмоқда. Хоҳлаган кишилар **СССР уй-жой ижтимоий банкининг Тошкент шаҳар Киров ноҳияси бўлимида очилган 001700403 рақамли ҳисоб дафтарчасига ўтказишлари мумкин. КОД 734321.**

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида

АЛВОН ГАЛСТУКЛИ ЕТАКЧИ

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти туғилган кун муносабати билан жумҳурият қизил галстуклиларининг бир гуруҳи қабул қилинди.

Ҳали қабул бошланмаган эди. Алвон галстук тақиб олганлар йиғинга мўлжалланган хонадан жой ола бошладилар. Ажабо, ёнимда ўтирган вожатийлардан бири сумкасидан алвон рангли галстукни олиб бўйнига боғлади. Буни биров билди, биров йўқ. Балким ўша кунги қабул, учрашув кашшофлар етакчиси тақишни истамаган галстук ҳақида бўлмаганида эди, бунга унчалик аҳамият бермасдимми. Бироқ, ўшанда байрам — 19 май, кашшофлар куни эди!

Қабул қизғин, ошкоралик руҳида ўтди. Бу ерга барча вилоятлардан ташриф буюрган кашшофлар ўз дардларини очиқ-ойдин айтдилар. Ибратли ишлари хусусида ахборот бердилар.

Ғайрат ТЕМИРОВ, Қарши шаҳридаги 3-мактабнинг кашшофлар бош етакчиси:

— Мактабда кашшофлар билан ишлаётганимга тўрт йилдан ошди. Бу давр мобайнида етакчига қанчалар қийин эканлигини ҳис қилдим. Лекин бундан чўчимайман. Яқинда 60-70-йиллар кашшофлар етакчилари билан учрашув ўтказдик. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик. Ўйлайманки, ўтказилаётган бундай тадбирлар умумишимизга муносиб ҳисса қўшади.

Мактабимизда ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни қўлга олганмиз. Бизга юқоридан ҳар хил кўрсатмалар берилмайди. Тўғри, олдин бўлган бунақаси. Бироқ, бунга барҳам бердик.

Садриддин АСРОРОВ, Ургутдаги 3-мактабнинг кашшофлар дружинаси раиси:

— Мактабимиз кейинги пайтларда кашшофлар етакчиларига ёлчимаяпти. Сўнгги икки йилда тўрт марта вожатий алмашди. Ҳозирги етакчимиз ҳам эрта-индин ўқишга кетмоқчи бўлиб турибди.

Дружинамизда ишлар яхши. Кашшофлар сафига хоҳловчиларгина қабул қилиняпти. Бу эса ибратли ишларни амалга оширишга имкон яратмоқда.

Наргиза УМАРЖОНОВА, Сиёб ноҳиясидаги 5-мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Яқинда мактабимизда кашшофлар ишини оммалаштириш мақсадида ташаббус билан чиқдик. Унга биноан дружинани иккига бўлдик. Икки нафар вожатий уларга етакчилик қилади. Ўқувчилар бизда кўп бўлганлиги учун ҳар бири билан мулоқот қилишга, ишлашга улгуриш қийин. Энди эса осонлашди. Ҳозирча ташаббусимиз қандай натижа беришини олдиндан айтиш мушкул, албатта. Аммо кашшофлар билан ишлаш қизиқарли бўлиб қолди.

Тошкент, Наманган, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳамда ҚҚАССРлик вакиллар ҳам мактабларида олиб борилаётган ишлар хусусида гапирдилар. Давра суҳбати тарзида ўтказилган мулоқотдан сўнг куни кеча сурхондарёлик танишим билан бўлган суҳбат ёдимга тушди. У икки-уч йилдан буён мактабда кашшофлар билан ишларди. «Бўлди. Ортиқ ишлолмайман бу ерда. Аниқ қиладиган ишим йўқ. Буйруқ берадиганлар эса бисёр», деганди у. Шунда, бу ерда айтилган гаплар шунчаки эмаслигини, кашшофларга бўлган муносабатни аллақачон ўзгартириш зарурлигини англадим. Бу эса, жойларда фаолият кўрсатаётган мутасаддиларга жуда ҳам боғлиқ.

Учрашув тугагач, мақола дебочасидаги «қаҳрамонимиз»ни атай кузатдим (Унинг исм-фамилиясини айтишни лозим топмадик). У алвон галстукни қандай вазиятда боғлаган бўлса, шундай алфозда ечди. Назаримда, галстук унинг учун навбатдаги вазифасини ўтаб бўлганди.

Қабулни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби, В. И. Ленин номидаги кашшофлар ташкилоти жумҳурият Кенгаши раиси М. А. Раҳимбердиева олиб борди. Мулоқот сўнгида учрашув қатнашчиларининг бир гуруҳи Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Баҳор концерт залида кашшофлар байрамига бағишланган катта концерт бўлди.

Муҳаммад АМИН.

Шу сонга хабар

Йўллар чорлайди

«Фотиманинг саргузаштлари» саҳна асарининг қаҳрамонлари инглиз тилида гапира бошладилар. Ўзбек драматурги Ҳ. Ҳабибуллаев пьесасининг ёш қаҳрамони ўз дўстлари ва жумҳурият қўғирчоқ театри санъаткорлари билан бирга Сиэтлга боради, у ерда яхши ният ўйинларига бағишланган маданий тадбирларда қатнашадилар. Қўғирчоқ театрида чет эл сафарига жўнашдан олдин саҳна асарини ўзлари борадиган мамлакат халқи тилига ўгириш анъана бўлиб қолди.

— Жуда ҳаяжонланаяпмиз, дунёнинг турли гўшаларидан келган жамоалар билан рақобат қилишга тўғри келади, — дейди театр директори Ш. Маъдиева. — Бунинг устига гастролларимиз узоқ давом этади — бир ой бўлади. Ўйинларнинг ташкилотчилари Тошкент қўғирчоқ театри намояндаларининг Гавай оролларида ҳам томоша кўрсатишларини режалаштирмоқдалар.

Тошкент қўғирчоқ театри халқаро саҳнада ўзини яхши кўрсатишга улгурди. Жамоа тарихида хорижга неча марта сафар қилинганини санаб бериш қийин. У Ҳиндистон ва Покистонда, ГФЖ ва Японияда, Болгария, ГДЖ, Венгрия, Польшада... томошалар кўрсатган. Шундай қилиб, оқ йўл сизга, қўғирчоқбозлар!

Танишинг— «Юртдошлар»

«Якташлар» («Юртдошлар») — Тошкентда тузилган татар эстрада ансамбли ўз жамоаси учун шу номни танлади. У татар маданият-маърифат маркази уюштирган уруш ва меҳнат ветеранлари учрашувида биринчи марта ўз санъатини намойиш этди.

— Ўзбекистонда секин-аста она тилини унутиб, ўз маданиятини йўқота бошлаган татарлар кўп, — дейди ансамбль бадиий раҳбари Илдус Ризвон. — Биз халқ мусиқаси ва қўшиқлари ёрдамида улар унутиб юборган нарсаларни эслатишга ҳаракат қиламиз.

Ҳаваскор композитор Комил Лутф Раҳмон қадимий халқ куйларини қайта ишлаб, ансамблга мослаб берипти, бундан ташқари унинг программасига Л. Ботир-Булгорий, Р. Аҳиёроваларнинг шоирлар М. Гали, Н. Қосимов, Р. Минуллин шеърларига ёзган замонавий оммавий қўшиқлари ҳам киритилган. Ансамбль яккахони — татар қўшиқлари Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Я. Габитдин ўз ижро маҳорати билан томошабинларни хурсанд қилмоқда. Москва эстрада студиясини тугатган Р. Шарофиддинова тақдим этадиган хореографик мажмуа ҳам ансамбль репертуаридан ўрин олган.

Шу кунларда «Якташлар» ансамбли Тошкент вилояти бўйлаб дастлабки сафарга жўнаб кетди.

Болалар ақллироқ кўринишади

ЗИМ-ЗИЁ ТУН. Борлиқ осуда уйқуда. Бирдан кучли аланга кўтарилди. Унинг нури теварак-атрофни тобора ёритар, оловнинг «тиллари» эса кўкка ўрмаларди. Ёнғиндан хабар топганлар зудлик билан ўт ўчириш идорасига сим қоқишди. Бу пайтда соат тунги учу ўн беш эди. Тезда ёнғинга қарши курашувчилар етиб келишди. Орадан роппа-роса 25 минут ўтганда кучли аланга бостирилди.

Бу воқеа 7 май куни Сурхондарё вилоятининг Термиз ноҳиясидаги 3-универмагда содир бўлди. Давлатга минг-минглаб сўмлик моддий зарар етказилди. Айни пайтда ёнғин сабаблари ўрганилаётир. Айбдорларга қарши жиноий иш қўзғатилмоқда. Текширув ишларини малакали мутахассислар олиб боришаётир.

Мулоҳаза учун далил: ўтган йил давомида 10.480 та каттакичик ёнғин қайд этилди. Ундан 24 миллион сўмликдан ортиқроқ моддий зарар кўрилди. Ана шу ҳодисалар вақтида 262 киши ҳалок бўлди, 2664 киши жароҳатланди.

1990 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида жумҳуриятимизда 3 мингдан ортиқ ёнғин юз берди. Кўрилган моддий зарар эса 3,5 миллион сўмдан ортиқроқдир.

Энг йирик ёнғинлар асосан Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида содир бўлди. Мазкур вилоятларнинг масъул ташкилотлари ёнғин ҳодисалари олдини олиш борасида астойдил жон куйдирмаётирлар.

Алифбе байрами

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Собир Раҳимов ноҳиясига қарашли 193-болалар боғчасида алифбе байрами бўлиб ўтди. Тарбия масканининг юқори гуруҳи тарбияланувчилари шу куни бахтиёр болаликни мадҳ этувчи турли туман шеърлар ўқидилар, ўзлари ёқтирган қўшиқларни куйлаб, рақсга тушдилар. Уларнинг бу чиқишлари «Алифбе байрами»да иштирок этаётган ота-оналар ва меҳрибон мураббийларга ниҳоятда манзур бўлди.

«Алифбе байрами» қатнашчилари бўлган кичкинтойлар янги ўқув йилидан бошлаб ноҳиядаги 22-ўрта мактабда таҳсил олишга киришадилар.

Марказга марҳамат!

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ягона бўлган пойтахтдаги «Техника уйи»да янги марказ ташкил этилди. Унинг ташаббускори Бутуниттифоқ тармоқлараро ҳисоблаш техникаси ва ахбороти илмий ўқув марказининг Ўрта Осиё филиалидир.

Мазкур марказда оддий мактаб ўқувчиларидан тортиб, то ўз касбининг устаси бўлган моҳир муҳандисларгача электрон ҳисоблаш машиналари билан «муомала» қилиш санъатини ўрганишлари мумкин.

— Марказга ташриф буюраётганлар сони кундан кунга ортиб бормоқда, — дейди марказ инженери Лола Собиржонова. — Айни вақтда кунига ўртача 150 киши мураккаб техника билан ишлашни ўрганмоқда. Ташриф буюрувчиларга ҳисоблаш машиналарини мукаммал эгаллаган ўн нафарга яқин мутахассис техника билан мулоқот сирларини ўргатмоқдалар.

Шуниси қувонарлики, марказга келтирилган бу электрон ҳисоблаш машиналари хорижий давлатлардан харид қилинган бўлмай, балки Киев шаҳрида ишлаб чиқарилгандир.

Электрон ҳисоблаш машиналарини бошқаришни истаганлар марказга мурожаат қилишлари мумкин. Унинг манзилгоҳи: **Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 48-уй.**

Шу сонга хабар



Фарҳод РУЗИЕВ иқтисод фанлари номзоди. У иқтисодиёт муаммоларига оид мақолалари билан кўпчилик муштарийларимизга таниш. «Ёш ленинчи» таҳрир ҳайъатининг қарорига биноан иқтидорли олим жамоатчилик асосида рўзномамизнинг иқтисодиёт бўйича шарҳловчиси этиб тайинланди.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МИЛЛИЙЛИК

3. Ўзлигингни англагин халқим!

Миллийлик омили — иқтисодиётнинг тириклик суви, хазиналар ороли, бахт саройи. Афсуски, бу омилга шу пайтгача эътибор берилмаган. Ҳеч ким томонидан ўрганилмаган муаммо. Айни пайтда чет элда бу омилдан унум билан оқилона фойдаланиб келаётирлар. «Тўрт аждаҳо» бунга мисол. Худди «аждаҳо»лар Африкада (Кения, Маврикия) ҳам пайдо бўла бошлади. Малайзия, Таиланд, Филиппин ҳам улар изидан бормоқда. Канада, Аргентина, Бразилия ҳам худди шу миллийлик орқали равнақ топди. Бизда эса миллий иқтисодиёт ҳақида ҳали ҳеч ким ўйлаб ҳам, туш ҳам кўргани йўқ.

Иқтисодиётда миллийлик — бу миллатнинг хусусият, хислат ва имкониятига, урф-одат, анъана, турмуш тарзига меҳнат турларини, иш жойларини, меҳнат шартномаларининг пайвасталигидир. Ишлаб чиқариш билан миллий ҳислатлар узвий боғланмаса миллат миллат сифатида ҳалокатга учрайди. У миллатдан Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоийлар туғилмайди. Улар ўрнига галдирлар дунёга келади. Галдирлар — миллийлик гўрковлари, пора, чайқовчилик орден-медаллар девонаси. Табиий ва миллийлик чайқовчиси. Улар раҳбарлик қилган юрт дилидан қон силқилайди. Халқ эса руҳан соғлом бўлмайди. Қуллик психологияси ва қашшоқликда яшайди. Галдирлар фарзандларини аждодлар маданияти ва тарихига нафрат руҳида тарбиялайди. Улар наздида халқнинг, миллатнинг урф-одатлари, анъана ва хислатлари ёввойию, давлатнинг қудратини ароқ билан ошириш табиий бир ҳол. Ўзбекистон аҳолиси 1980 йилда ароқ ичишда рекорд ўрнатди. Ўша йили давлат дўконлари 220 миллион литр оғу сотди. Агар шу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолганда янги асрнинг биринчи ўн йилликларида ҳар биримиз, чақалоғу кексалар жон бошига ҳар куни икки шишадан ароқ ишлаб чиқарилардн. Кишиларимиз бангига, Ўзбекистон бангилар қабрига, бангихонага айланарди. Яхшиямки 1985 йил апрель шамоллари эсди. Ва юқоридаги нохуш ҳоллардан қутила бошладик. Галдирлардан узил-кесил қутилиш жумҳуриятда демократия ва ошкораликнинг ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Ўзбеклар иқтисодиёт нуқтаи-назаридан қандай ҳислатларга эга ва ундан қандай фойдаланиш мумкин? Иқтисодиёт оилада бола дунёга келиши билан бошланади. Оилада ўғил ва қизнинг туғилишига қараб рўзғорбошилар, қавм-қариндошлар бозор қилишга тушадилар. Бозор ва дўкон эшиклари бола туғилгани учунгина очилади холос. Бола туғилмаса унинг эшикларига абадий қулф солинарди. Дунёда энг қизғин, гавжум бозор — Шарқнинг бозори ҳисобланади. Сабаби Шарқда бола кўп туғилади. «Болалик уй бозор» деган халқ мақолининг моҳияти ҳам асли шунда.

Оилада ўғил туғилди. Чорбоғда тераклар сони ортади. Чунки 20—25 йилдан сўнг иморат солиш керак. Унгача ўғил бола йигитга, ниҳол эса теракка айланади. Оилада қиз туғилди. Сандиққа сеп йиғила бошлайди. Чунки ота-она қачонлардир ҳовлисида ёр-ёр, ўлан айтилишини кутади. Ўсмир мактабни битириб, ўқишга отланди. Момолар саргилак ва пешонновотларидан пул қидира бошлайдилар. У армияга жўнади. Кўсангига қўчқор боғланади. Чунки, хизматдан сўнг одамларга маърака қилинади. Юқоридагилардан қандай хулоса чиқади? Биринчидан, келажагини ўйлаган ва унга ишонган халқ, бундай хислатга эга халқ ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди. Раҳбари галдир бўлмаса бас. Иккинчидан, меҳнатсевар халқ, фарзандини уйли-жойли, ўқимишли, тарбияли қилиш учун ҳар қандай оғир меҳнат бўлса ҳам қилишга тайёр. Ва бу вазифани ҳал этишда ҳаромни ишлатмайди. Бундан қандай фойдаланиш зарур? Менимча, Ўзбекистон шароитида энг аввало давлатчилик эмас, оиланинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш керак. Ота-она бажарадиган вазифаларни ҳозир баъзи давлат бажаради. Ва у қониқарсиз. Давлат бир болани тарбиялаб, ишга жойлаштиргунча ўртача 40—50 минг сўм пул сарф қилади. Давлатнинг очил дастурхони йўқ албатта, у пуллар аслида халқники, ишловчиники. Фикримча ана шу пулларни оилаларнинг ўзига тарқатиб бериш керак. Ва рўзғорбошилар уларни қандай ишлатишни ҳар қандай давлат инструкциясидан кўра яхшироқ билади. Ва ҳар бир оила «Келинлар қўзғолони»даги Фармон бувидек ўз «госплан»и, молияплани, дастурхони, боғчаси, ҳамшираси, тарбиячисига эга бўлади. Иш жойларини қишлоқларнинг, оилаларнинг ўзида яратиш зарур. Оилавий заводлар, фабрикалар, корхона ва колхозчилар шаклида. Яъни, ишлаб чиқариш ниҳоятда деталлашади.

Дейлик, велосипед ишлаб чиқариш керак ва минг хил деталдан иборат. Ҳар бир алоҳида қисмни бир оилага, бир ишчи ишлаб чиқаради. Унга эса хом ашё етказиб турилади. Унинг вазифаси қисмни ясаш ва пулини олиш. Ўша мингта деталь бир жойга бориб йиғилади. Хоҳласа дунёнинг у бурчагида. Худди шундай турли хил, ҳатто энг мураккаб электр буюмларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Рангли телевизорни неча йиллардан бери тузукроқ чиқармаётган львовликлардан кўра яхшироқ қилиш мумкин. Чунки электр буюмлар кашта тиккан қўлларда жуда яхши сайқал топади.

Иккинчи таклиф. Овропача индустриал ва ўлкапарастлик йўлидан воз кечиш керак.

Назаримда, Ўзбекистон ёшларини, айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун деталлашган йўлдан бориш амалдаги индустриал йўлдан афзалроқ. Индустриал йўл жозибали кўринса-да, ҳали ҳеч ким иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қанчалик самарали йўл эканлигини ҳисоблаб чиққани ва исботлагани йўқ. Аксинча, деталлаштирилган ишлаб чиқариш усули, кичик-кичик деҳқончилик ва саноат корхоналари дунёда борган сари етакчилик қилмоқда. Биргина Хитой деҳқонлари давлат ёрдамисиз ўн беш йил ичида 80 миллион янги иш жойларини яратдилар. Қишлоқ ёки оилада қурилган кичик-кичик деталлашган завод ёки фабрика, цехлар Ўзбекистон иқтисодиётининг йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Афсуски, буни ҳали етарлича англаб этмадик. Ҳамон, кўпчилик олим ва баъзи бир раҳбар ходимлар Ўзбекистонни исдустриал йўлдан янада тезроқ юришга мажбур қилмоқда. Янги иш жойлари, ўқув юртлари, асосан шаҳарларда, ноҳия марказларида, боз устига объектлар яна ўша улканпарастлик принципида қурилаётир. Бу корхоналар халқ учун қимматга тушиб, қачон фойда келтириши ҳали номаълум. Масалан, Тошкентда қурилаётган двигатель ишлаб чиқарадиган заводни олиб кўрайлик. То у битгунича 500 миллион сўм пулни ўмаради. Бу ҳам ҳеч гап эмас, ишга тушгунча у учун келтириладиган юз миллион сўмлик чет эл ускунаси занглаб, маънавий жиҳатдан эскиради. Ундан чиққан маҳсулот ҳеч кимга керак ҳам бўлмай қолади. Бошқа мисол, Фарғона воқеаларидан сўнг у ерда кўпгина саноат корхоналари, жумладан енгил саноат объектлари қурила бошланди. Бошқа соҳалардаку майлия, аммо тўқимачилик корхоналарини қуришда ҳам ўша улканпарастликдан воз кечилмади. Наҳотки тикиш машиналарини алоҳида-алоҳида оилаларга ўрнатишнинг иложи йўқ. Шартми барча ишловчиларни қўрага қўйини қамагандек фабрикага ёки заводга ҳайдаш? Улкан объектларнинг бир нечтасини қуриш билан ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мумкиндек кўринади. Йўқ, бу сароб нарса. Ҳозир янгисини қурмай бошлаб қўйилганларини қуриб битказиш учун 3,5 йил керак. Жумҳуриятимиз бўйича 18 миллиард сўмлик қурилиш ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Чунки, қурилиш комплекси қувватлари етишмайди. Ҳар бир қурилаётган объект ҳисобида 10—12 қурувчи, ҳар иккитасига битта экскаватор, кран ва бошқа техника тўғри келади. Бундай қувват билан улкан объектларни ўз вақтида қуриб бўлмайди. У то битгунча ўрта ҳисобда 3—5 йил, баъзида эса 10—15 йил керак. Бу муддат ичида ускуналар ҳам маънавий, ҳам мазмунан эскириб бўлади. Ишсизлар сони ортаверади. Агар ускуналарни оиланинг ўзида ўрнатсак, бундай ҳаражатлар иқтисод қилиниб, ускуналар ҳам жим ётмай, занг босмай ишга тушади.

Овропача улканпарастликнинг яна бир камчилиги шундаки, корхоналар асосан шаҳар ва ноҳия марказларида қурилади. Ишчи кучи ёки бекорчилар эса асосан қишлоқларда ва қизлар орасида. Демак, ўша корхоналар асосан қишлоқдаги йигит-қизлар ҳисобига ҳаракатга келади. Унга ишлаш учун 15—17 ёшли йигит-қизларни шаҳарга, ётоқхонаси бор ёки йўқ билим юртига юбориб ўқитиш керак. Қайси ота-она ёш қизини тартиб-интизом бузилиб кетган, ётоқхонасиз билим юртларига ишониб юборади? Ўрта Осиё ва ўзбек халқлари учун ор-номус, иффат сўзлари овропаликларга ўхшаб мавҳум тушунчалар эмас, ҳаётий нарсага айланган. Шаҳарларда қурилган ва минглаб кишиларни ямлаб юборадиган заводларга ишга келган қишлоқ йигит-қизлари неча йиллаб ётоқхонада яшайдилар. Чунки шаҳарда уларни қучоқ очиб кутиб турган уйлар йўқ. Ётоқхонада яшовчиларнинг эски қадриятларни, қишлоқ одатларини сақлаб қолишга ҳам ҳеч ким кафолат беролмайди. Натижада шаҳарга ўрганолмаган, қишлоқдан воз кечолмаган — собиқ қишлоқликлар — маргиналлар пайдо бўлади. Ва ўз навбатида қишлоқдан келганлар ҳисобига баъзи бир шаҳарликлар ишсиз қолади. Ярим ишсизлар — люпенлар пайдо бўлади. Ана шу иккала гуруҳ вакиллари ҳам ижтимоий жиҳатдан ниҳоятда хавфли. Ҳар қандай имкон пайдо бўлганда улар миллатчилик ва диний тусдаги портлашларга мина бўлиб хизмат қиладилар.

Ўзимиз билмаган ҳолда кишиларни иш билан таъминлаймиз, деган бағоят яхши ният билан овропача улканпарастлик орқали жиноятчиликнинг бекиёс ўсиши, эски қадриятлар йўқолишига ва маънавий бузилишга пойдевор яратаётирмиз. Чунки, шу пайтгача яратилган меҳнат турлари, корхоналари маҳаллий аҳоли психологияси урф-одатларини ҳисобга олмай қурилган. Аслида эса, менимча юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш деталлашган ва оилаларнинг ўзида жойлаштирилиши зарур. Меҳнат шартномалари ҳам тубдан ўзгартирилиши ва эски қадриятларни сақлаб қоладиган, кафолатланган бўлиши даркор.

Америкалик Лора Грейхоним қанчалик тиришмасин, машқ қилмасин, «Танавор»ни Қизлархон Дўстмуҳамедовадек маромига етказолмайди. Сохталиги билиниб туради. Худди шунингдек иқтисодиётнинг йўналишини, меҳнат турларини шундай танлаб олиш керакки, дунёда ўша маҳсулотни маҳаллий ва ўзбек халқидан бошқа ҳеч ким сайқалига етказа олмасин. Бундай меҳнат турлари борми? Бор. Фақат уни замонавий асосда кўриш керак. Масалан, бундан уч йил олдин АҚШда ўн олти ёшли туркман қизи тўқиган гилам бир миллион долларга сотилди. Ўйлаб кўринг, бир гилам миллион доллар. Бундай гилам Ер шарининг бошқа ҳеч қандай бурчагида тўқилмаслигига ҳам аминман. Худди шундай гилам тўқиш учун бошқа ердаги чеварда ҳам ўша туркман қизидагидек қўллар, кўзлар, моҳирлик керак. Бунақангиси ҳеч қаерда такрорланмайди. Бундай гиламларни ўзбек қизлари ҳам тўқий олади. Шаҳрисабзлик чеварлар тўқиётган «Араби», «Беҳзод» гиламлари, ироқи, сўзаналари чет эл давлатлари ва корхоналари томонидан ҳарид қилинмоқда. Хива гиламларининг ҳам бозори чаққонлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ҳар йили камида 500 та «миллионер» гилам тўқишга имкон бор. Бунинг учун 96,4 фоизи жумҳурият худудидан четга олиб кетилаётган, минглаб тонна жун маҳсулотларини шу ернинг ўзида ишлатиш керак. Ва замонавий технология ҳамда техника асосида гилам ва жундан яратилаётган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш фойдалидир. Шундай мулоҳаза юритсанг, баъзилар қизларимиз саводсиз, эплай олмайди, дейишади. Менимча бу гаплар мутлақо асоссиз. Масалан, ўша мен эслатиб ўтган Шаҳрисабз гилам тўқиш фабрикаси — «Ҳужум»нинг тўқувчилари Оммоғон қишлоғидаги қизларга беш-олти йил бурун гилам тўқиш сирларини ўргатиб, ускуналар ўрнатиб бердилар. Ўша ерлик қизлар атиги бир-икки ой ичида гилам тўқиш сирларини ўрганиб олдилар. Лекин, нимагадир бундай тажриба ривождан тўхтаб қолди.

Ўзбекистон табиати ва унинг бойликларининг имкониятини аввалambор миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратиш керак. Бу эса қонталаш бўлиб ётган иқтисодиётга тоза қон берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Миллийлик иқтисодиётнинг асъор (валюта) булоғи, ҳаёт суви. Масалан, ҳозир Эрондан сотиб олинаётган ҳар бир тонна туршакка 1665 чет эл асъори тўлаймиз. Ҳар йили қуруқ мевалар сотиб олиш учун СССР салкам 300 миллион асъор тўлайди. Бир тонна пахта толаси учун эса 400—500 доллар олиш имконига эгамиз. Ҳар гектардан камида 7 тонна ўрик, 10 тонна узум ёки 1,4 тонна туршак ва 2,5 тонна майиз олиш мумкин. Энди буларни пахтадан келадиган фойда билан солиштириб яхшилаб ўйлаб кўринг. Фарқи бекиёсдир. Аммо Ўзбекистондаги пахтапарастлик чорвани ҳам, деҳқончиликни ҳам, қўйчиликни ҳам сиқиб чиқарди. Ўзбекнинг бозори чаққон узум, қовун-тарвузи, майиз ва ғўлинлари йўқолди. Туркман, Бухоро қоракўл териси бозорларда ўтмай қолди. Сифати пасайди. Чунки қўйлар ўтлайдиган, қоракўл терига сайқал ва зарлик берадиган чўллар ўзлаштирилди. Бир вақтлар жаҳон бозорида бу маҳсулот ҳозирги япон маҳсулотларидек тез кетарди. Ўзбекнинг қовуни ва узуми, майизи сотилмагунча бошқа бирон мамлакат ўз маҳсулотини сотолмайди. Ўзбекистон бутун жаҳон мамлакатлари етиштирган майиз ва туршакнинг ярмини берарди. Энди у отлиққа ҳам топилмайди. Ҳамон гўшт истеъмол қилиш бўйича бу халқлар 20-йиллар даражасидан ҳам паст аҳволда қолиб келаётирлар. Ўзбекистон деҳқонлари маҳсулотларидан бозор пештахталари синиб кетиши керак эди. Лекин бундай эмас. Чунки пахта яккаҳокимлиги ва деҳқонни зулукдек сўриш механизми бузиб ташланмаган. У ҳамон ерсиз ва эрксиз бўлиб қолаётир. Ер ва эрк агропромлар ихтиёрида қолиб келаётир. Натижада тупроғидан «олтин» унган Ўзбекистонда унинг фуқаролари оғзилари оққа ёлчимай қолди. Гўшт, сут, мевалар истеъмол қилиш бўйича жумҳурият Иттифоқда охирги ўринларда қолиб келаётир. Бу эса аҳоли танида оқсил моддаларининг етишмаслигига олиб келди. Ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши шундан.

Бошқа яна бир фикр. Ҳозир чет элда меҳнат кучини экспорт қилиш кучайган. Яъни, кишиларни хорижда ишлаб келишига рухсат берилади. Ўтган йили Филиппин 26 миллион сўмлик меҳнат ресурсларини экспорт қилиб, 624 миллион сўм Америка долларини ишлаб олди. Ҳиндистон эса шу йўл билан давлат қарзининг ярмини қоплайди. Хитойликларнинг миллий ошхонасини очмаган давлат бўлмаса керак. Худди шундай, чет элда ўзбек миллий таомларини тайёрлайдиган ошхона ва емакхоналар очиш мумкин. Ишонаманки, ўзбек ошпазлари бошқа давлат ошпазларидан кўра лаззатлироқ овқат пиширадилар.

Чет элга санъат ходимлари, мутахассис-ишчиларни ҳам маълум бир муддатга экспорт қилиш мумкин. Фақатгина сув қурилиши бўйича дейлик, ходимларни хорижга юборсак, менинг ҳисобимча 150 минг гектар ердан пахта экиб олинадиган асъордан кўпроғини олиб келишлари мумкин экан.

Туризмни ҳам кескин ривожлантириш мумкин. Ва у энг арзон асъор келтирадиган соҳалардан бири. Туризм — энг фойдали экспорт. Бу аксиома. Баъзи бир мамлакатлар фақат туризм билан бинойидек яшайдилар. Ўзбекистоннинг тарихий обидалари — такрорланмас ёдгорликлардир. Унга эътибор берилса, яна 500—1000 йиллаб авлодларнинг кунига яраши мумкин. У биздан ошнон талаб қилмайди. Фақатгина эътибор керак.

Иқтисодиёт тараққиётини миллийлаштириш фойдасига минглаб мисоллар, далиллар келтириш мумкин. Миллий иқтисодиётнинг қиммати фақат асъорларда ўлчанмайди. У йўқолиб кетаётган қадрият, ор-номусни, ўзбек тилини мустаҳкам пойдеворда қайтадан тиклайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон ижтимоий ларзалар бўсағасида турибди. Катта-катта иқтисодчи академиклар, хўжалик раҳбарлари назарида иқтисодиётда миллийлик — қалиш, чориқ ишлаб чиқаришдир. Иқтисодиётда миллийликни бундай тушуниш саводсизлик ва галдирликдан бошқа нарса эмас.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
«Ёш ленинчи»нинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси, иқтисод фанлари номзоди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми томонидан қабул қилинган қарорлар, резолюциялар ва мурожаатлар

«КОМСОМОЛ ВА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» РЕЗОЛЮЦИЯ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси халқаро кескинликни камайтиришга, барча халқларга ишончли тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ССР Иттифоқи Президенти, Олий Шўроси, Совет ҳукуматининг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Шу билан бир вақтда ҳарбий қарама-қарши туриш ҳали бартараф этилмаган ва СССР Қуролли Кучлари давлатнинг ишончли хавфсизлиги кафолати бўлиб қолаяпти, Ватанни ҳимоя қилишга шайлик эса — ҳар бир совет кишисининг олий фуқаролик ва ахлоқий бурчи ҳисобланади.

Ана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, комсомол Марказий Қўмитаси ВЛКСМнинг энг муҳим вазифаларидан бири — ёшларда тарихий онгни, ватанпарварликни шакллантиришни, Ватанни ҳимоя қилишга шайлик ва кўмаклашиш учун масъулиятни англаш, деб ҳисоблайди.

Комсомол ўзининг анъаналарига содиқ бўлиб қолган ҳолда бундан буён ҳам мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашишга, ёшлар ўртасида фаол ҳарбий-ватанпарварлик ишини олиб боришга, ёшларнинг ҳаракатларини ва ташаббусларини: изловчи отрядларини, мудофаа-ватанпарварлик ва ҳарбий-тарихий клублари ҳамда уюшмаларини, заҳирадаги аскарлар ҳамда байналмилалчи-аскарлар кенгашларини, ёш армиячилар ҳаракатлари ва СССР Конституциясига зид бўлмаган бошқаларни қўллаб-қувватлашга даъват этилган.

Совет ҳарбий доктринасининг оқилона етарли ва мудофаа характери, ҳуқуқий давлат ва халқаро ҳуқуқ нормалари принципларидан келиб чиқиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳарбий ислоҳотни илмий асосда олиб бориш, армия ва флот турмушини янада демократиялаштириш, ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликни қайта кўриб чиқиш тарафдори бўлиб чиқади.

Қуролли Кучлар қайта тузилаётган, қисқартирилаётган ва ривожлантирилаётган шароитда Ватан ҳимоячисининг ўзи давлат томонидан ишончли тарзда ижтимоий ҳимояланган бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси мамлакатнинг барча комсомолларини СССР Қуролли Кучларида чақирувни барбод қилишга, ҳарбий хизматчиларни обрўсизлантиришга ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини камситишга қаратилган сиёсий иғволарга берилмасликка даъват этади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга, байналмилалчи-аскарларга муносабатда совет қонунлари ва ҳукумат қарорлари бузилишига йўл қўйиш мумкин эмас, уларга Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан адо этган, ўтмиш, кишилари тўғрисидаги хотиралар бефарқ ва унутилмаган, уларга жанговар мукофотларнинг ўз вақтида топширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси СССР Олий Шўросига Ватан ҳимоячиларининг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қонунни қабул қилишни таклиф этади.

Қуролли Кучларда мавжуд бўлган салбий ҳодисаларнинг адолатли танқид қилинишини эътироф этган ҳолда биз уларнинг ролини ва вазифасини камситишга уринишларга, армия ва халқ ўртасига нифоқ солишга, ҳарбий тарихга доғ туширишга қарши чиқамиз.

Жамоатчилик фикрини шакллантириш, оммавий ахборот воситаларида армия мавзусини ёритиш ҳаққоний, армияга, жанговар меҳнатга муносабат юзасидан ҳурмат бўлиши зарур.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ССР Иттифоқи Президентига, Олий Шўрога ва СССР ҳукуматига тегишли қонун лойиҳалари ва қарорларни ишлаб чиқишда, қабул қилишда бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз ва таклифларимизни эътиборга олиш илтимоси билан мурожаат қиламиз.

«ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ АППАРАТИ ТЎҒРИСИДА» ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИ

Съезд томонидан қабул қилинган ВЛКСМ Устави марказий сайлаб қўйиладиган органлар аппарати вазифаларини тубдан ўзгариши, уни янги принципларда шакллантиришни назарда тутади.

Шу муносабат билан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми қарор қилади:

1. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппарати қайта ўзгартирилсин. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси аппаратнинг янги таркибида ишлаш учун таклиф этилмайдиган ходимларни ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўрсин.

2. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппарати таркибини шакллантирсин ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросининг тасдиғига қўйсин.

«СУРГУТ МУҚОБИЛИ» ҲАРАКАТИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

«Сургут муқобили» мунозара маркази томонидан тайёрланган ВЛКСМ XXI съезди резолюцияси лойиҳасини тинглаб ва муҳокама этиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми таъкидлайдики, «Сургут муқобили» ҳаракати ички иттифоқ турмушини фаоллаштиришга, комсомолда содир бўлаётган жараёнларга реал баҳо беришга кўмаклашди. Ҳаракат қатнашчиларининг бир қатор таклифлари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленумларини, ВЛКСМ XXI съезди ҳужжатларини, ВЛКСМ Устави ва ҳаракатномавий мақсадларини тайёрлаш пайтида фойдаланилди.

Шу билан бир қаторда «Сургут муқобили» ҳаракати томонидан эълон қилинган бир қатор нуқтаи назарлар ВЛКСМ XXI съездининг қарорларига мос тушмайди.

Юқорида баён қилиб ўтилганлардан келиб чиқиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси қарор қилади:

1. Комсомолни янада демократиялаштиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси комсомол ташкилотларига федерация субъекти мақомини бериш тартибини ишлаб чиқиш юзасидан комиссияга, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг навбатдаги пленумига Бутуниттифоқ уюшма ёки ассоциация мақомини бериш тартибини белгилаб берувчи норматив актлар ишлаб чиқишни топшириш зарур, деб ҳисоблайди.

Тегишли ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленумида «Сургут муқобили» ҳаракатига Бутуниттифоқ уюшма ёки ассоциация мақомини бериш мумкинлиги тўғрисидаги масала кўрилсин.

«ВЛКСМ ВА КПСС ҲАМЖИҲАТЛИГИГА, ПАРТИЯНИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИГА ТААЛЛУҚЛИ БЎЛГАН ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ МАЪЛУМОТИ УЧУН ТАРҚАТИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросида ВЛКСМ XXI съезди делегатларининг таклифларини, комсомоллар ва комсомол ташкилотларидан тушган таклифларни умумлаштириш, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзолари билан келишилиб олинганидан кейин уларни КПСС Марказий Қўмитаси номига юбориш, шунингдек, партия XXVIII съездида ВЛКСМ вакилларининг нуқтаи назарига асос қилиб қўйиш топширилсин.

ВЛКСМ УСТАВИ ВА ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИНИНГ УСТАВ ХАРАКТЕРИГА ЭГА РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИНИНГ МАТНИГА ТУЗАТИШ


ВЛКСМ XXI съездининг стенограммаларини ўқиш пайтида ва ВЛКСМ Устав характерига эга резолюцияларида ноаниқликларга йўл қўйилган.

ВЛКСМ Устави 27-моддасининг сўнгги сўзбоши қуйидаги таҳрирда ўқилсин: «ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ва ВЛКСМ Марказий назорат комиссияси раисини сайлаш вакиллар бўйича овоз бериш йўли билан федерация субъектларининг 1/4 талаби юзасидан ўтказилади. Бунда федерация субъектлари делегацияларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган номзод сайланган деб ҳисобланади».

ВЛКСМ XXI съездининг «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, Бюроси аъзоларини ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси котибларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги резолюциясининг охирги сўзбоши қуйидаги тарзда ўқилиши лозим: «Федерация субъектлари вакилларининг 1/4 талаби бўйича ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг Бюро аъзолари ва котибларини сайлаш вакилликлар бўйича овоз бериш билан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда пленумда қатнашаётган федерация субъектлари делегацияларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган номзодлар сайланган деб ҳисобланадилар».

ВЛКСМ XXI съездининг «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, Бюроси, котиблари ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппаратининг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида»ги резолюциясининг биринчи банд сўнгги сўзбоши қуйидаги таҳрирда ўқилиши лозим: «Бу масала юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси таркибидаги федерация субъектларининг 1/4 вакиллари вакиллар бўйича овоз бериш йўли билан қарорлар қабул қилинишини талаб қилишлари мумкин. Бундай ҳолда пленумда қатнашаётган федерация субъектлари делегатларининг кўпчилиги, агар уни ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган деб ҳисобланади».

Хориждан хабарлар



НУҚСОНЛИ КИШИЛАРГА—ЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИ

Яқинда бўлиб ўтган сайловдан сўнг ҳокимиятда кескин ўзгариш юз бергач, ГДЖ социализм йўлидан бориб эришган ютуқлар ҳам камситила бошланди. Ваҳоланки, мамлакат қўлга киритган ғалабалар — хоҳ у иқтисодий, хоҳ у маънавий соҳада бўлсин, салмоқлидир. Лоақал бу ерда жисмоний жиҳатдан нуқсонга эга бўлганларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни олайлик.

Лейпцигда кар-соқовлар учун ўқув юрти бор. Мазкур мактабни битирганлар албатта иш билан таъминланади. Чунки бу ерда ўқиш билан бир вақтда 14 хил касб ўргатилади. Хоҳлаган одам ишлаши, хоҳлаган одам махсус билим юртида ўқишни давом эттириши мумкин.

Мамлакатда эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлган ёки яхши эшитмайдиган 350 минг киши яшайди. Лекин улар ҳеч қандай камситишларга дуч келмайдилар. Чунки уларнинг ҳуқуқи тўла таъминлангандир. Ижтимоий ва илмий ҳаётда фаол иштирок этиш имконияти яратилган, яъни уларнинг фикрини бошқаларга етказиш учун экспертлар ва таржимонлар иш ўрни жорий этилган.

СУРАТДА: 10-синфда физика дарси.
АДН-ТАСС сурати.

ТАРТИБ НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Аргентина федерал полицияси Буэнос-Айрес ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари стадионларидаги тартиб устидан назоратни кучайтириш ниятидадир. Жанубий Америкадаги бу мамлакатда катта спорт мусобақалари, аввало футбол ўйинлари чоғида тез-тез бўлиб турган оммавий муштлашишлар бунга сабаб бўлди.

Мухлислар ўртасидаги тўқнашувлар статистикаси оғир жароҳатланишлар ва ашаддий ишқибозларни тинчлантириб қўйиш учун тартиб посбонлари аралашишга мажбур бўлаётган ҳоллар тобора кўпайиб бораётганидан далолат беради. Уч йил аввал спорт ишқибозлари ўртасидаги муштлашишларнинг 50 нафар иштирокчиси судланган бўлса, ўтган йили бу рақам тўрт баравар кўпайди. Тўғридан-тўғри томошабинлар ўтирадиган жойларнинг ўзида қора дори билан савдо қилиш ҳоллари борган сари кўпроқ қайд этиляпти. Кенг жамоатчилик, спорт ўйинларининг чинакам мухлислари маъмурлардан спорт тўғрисидаги миллий қонуннинг стадионларда осойишталик ва хавфсизликни таъминлашга даъват этилган қоидаларини қатъийроқ қўллашни талаб қилмоқдалар. Кўзда тутилган чоралар орасида таҳқирлаганлик ва тан жароҳати етказганлик учун жиноий жавобгарлик, шунингдек, спорт клублари ашаддий ишқибозларини ўйинни бекор қилиш ёки бошқа шаҳарга кўчириш билан жазолаш кабилар бор.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖИНОЯТКОРОНА БЎСА

● ГАМБУРГ ПОЛИЦИЯСИНИНГ наркотиклар сотувчиларга қарши курашувчи махсус хизматчиларини шаҳардаги кўчалардан бирида икки ёшнинг бир-бирларидан «узоқ вақт бўса» олиб туришлари шубҳага солган.

Малакали изқуварларнинг қизиқиши маълум бўлишича, бекорга эмас, экан. Келиб чиқиши гамбурглик бўлган 21 ёшли йигит ва унинг «севгилиси» оғзидан полициячилар кокаин тўлғазилган анча-мунча пластик ампула олишган. «Севишганлар» қамоққа олинган.

ИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ҲИД

● ЯПОНИЯДАГИ КОМПАНИЯЛАР яқин орада меҳнат унумдорлигини оширадиган янги восита — ҳидга эга бўладилар. Эрталаб озгинагина цитрус меваларининг ҳиди ва кундузи гул исининг енгилгина таралиши хизматчиларни иш жойларида юқори натижаларга эришишлари учун «доим тетикликларини» таъминлаб туради.

Ўн йиллик узоқ изланишдан кейин «Сисэйдо» косметик фирмасининг олимлари ёқимли ҳидлар инсон организмига яхши таъсир қилишини аниқлаганлар. Улар ҳозир бу соҳада тажрибага киришдилар.

ЎЛДИРУВЧИ ЛАБ БЎЁҚ

● ЧИЛИНИНГ ЭЛ-МАНСАНО шаҳарчасида яшовчи бир аёл жуда нафис қилиб ишланган лаб бўёқ сотиб олган. Эрталабки пардоз-андозни қилаётганда у тасодифан шу лаб бўёқни ерга тушириб юборган. Шу пайт уни уйдаги мушукча келиб у ёқдан-бу ёққа думалатиб, тумшуғи билан туртиб ўйнай бошлаган. Мушукча тўсатдан йиқилиб, нафас олмай қолган. Дастлабки лаборатория текшируви шуни кўрсатганки, лаб бўёқ таркибига ҳиди ёқимли бўлган заҳарли модда қўшилган экан. Бу лаб бўёқни Лотин Америкаси мамлакатларидаги унча машҳур бўлмаган косметика фирмаси ишлаб чиққан экан. Ҳозир, деб ёзади Испаниянинг «Паис» газетаси, тергов ишлари олиб борилмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



1

Кунни тунга улаб, қилни қирқ ёриб ишлаётган ҳалол терговчиларга бу гапларнинг алоқаси йўқ. Терговни одамларни эзадиган тегирмонга, чиғириққа айлантираётганлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Бундайлар қўлига тушганларнинг сочлари оқариб, беллари букчайиб қолмоқда. Дунёни англаб, англолмаган кўплаб жабрдийдаларнинг жароҳати қалбларида қонунга, тузумга нисбатан норозилик, нафрат туйғулари аланга олаяпти.

Ҳақиқатни тополмай, адолатсизликка учраётганлар нажот истаб редакциямизга мурожаат қилишяпти. Улар қайси қонунга асосан суд ҳукмисиз йиллаб қамоқда сақланаётганларини сўрашмоқда. Ишлари қайта-қайта терговга юборилаётганлигидан нолишмоқда. «Айбимиз бўлса, қамашсин, бўлмаса озод қилишсин» дейишмоқда.

Уларнинг саволларига жавоб бериш керак. Жавоб бериш эса қийин.

Куннинг ҳам, туннинг ҳам, ойу йилнинг ҳам вақти-соати чегаралангач. Инсон умри ҳам ҳисобли. Терговнинг-чи? Унинг ҳам муддати борми? Бор бўлса қанча? Бир инсоннинг айбли ёки айбсизлигини аниқлаш учун қанча вақт керак?

Бу саволларга ҳар бир ҳуқуқшуноснинг тутилмай жавоб беришига ишонаман. Аммо улар фақат китобда, қонунда ёзилганини айтишади. Гдлян, Иванов, Гайданов сингари «қаҳрамонлар» раҳбарлигида олиб борилган ишларнинг муддати ҳақида сўрасангиз, аниқ жавоб ололмаймиз. Гдлянчилик тегирмонига тушганларнинг гапларини эшитсангиз эса ҳаяжондан, ҳатто қўрқувдан титраб кетасиз. 30-йиллар тергов усуллари ҳақида ўқиганингиз, эшитганингиз... Ежов, Берия, Осипян, Абакумов сингари жаллодлар ёдингизга тушади. Кейин Гдлян, Иванов, Каракозов, Карташян деганлар. Ўхшашликни қаранг. Давомийликни қаранг. Фалакнинг гардишини қаранг. «Бу гаплар кўп айтилади-ку?» деб айримларнинг ғаши келиши мумкин. Менимча қонунсизликлар кўлами, унинг яширин илдизлари ҳақида очиқ айтилганича йўқ ҳали.

1981 йили СССР прокуратурасининг Ю. Любимов бошлиқ тергов гуруҳи Тошкентдаги «Гўзал» тикувчилик фирмасининг бир неча хизматчиси устидан қўзғатилган жиноий ишни олиб боришган эди. Янна Федорова деган аёл судсиз олти йилу икки ой рецидевист аёллар билан ҳибсда сақланди. Соғлигини йўқотди, кўзлари хиралашиб қолди. Оиласи бузилди. Ёлғиз ўғли онасиз катта бўлди. Шу иш бўйича ҳибсга олинган Малик Тожиев, Роберт Исоқов Тоштурмада, Борис Абрамов Москвадаги қамоқхоналардан бирида вафот этиб кетди. Жиноий иш эса ҳалигача судда кўрилгани йўқ.

Назаримда терговчиларнинг малакасизлиги, баъзан чумолидай нарсани филдай қилиб кўрсатишга ишқибозликлари ва оқибатда айбномани асослай олмаганликлари сабабли жиноий ишларни кўриб чиқиш йиллаб чўзилиб кетаяпти.

Яқинда Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, милиция генерал-майори Ислом Сатторов устидан қўзғатилган жиноий ишга алоқадор айрим материаллар билан танишиб чиқдим. Тергов бошида унга қўйилган айбнома пуфлаб шиширилган шарга ўхшайди. Москва вилоят суди, кейинчалик РСФСР Олий судида бу айбномалар деярли тасдиқланмади. Сатторовни 7.449 сўм пора (33 эпизод) олганликда айблашганди. Суд уни фақат уч марта жами 300 сўмлик озиқ-овқатни пора сифатида олганликда айбдор деб топди. Бу айбнома ҳам одамни таажжубга соладиган даражада асоссизга ўхшайди. Сатторовни яхши билган ҳамкасблари, милиция ветеранлари унинг жиноятчи эканлигига ҳалигача ишонишмайди. «Сатторов биз учун ҳалолликнинг намунаси эди», деб эслашади.

«Ҳақиқатнинг энг яхши ҳамроҳи — вақт», дейишади. Айби бўлмаса бир кунмас бир кун у оқланади.

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шамси Раҳимовга ҳам ўнлаб айбномаларни ёпиштиришганди. Унга қарши кўргазмалар тўплаш учун қанчалаб одамларга жисмоний ва руҳий таъсир ўтказишди. Яқин қариндошларини қамоқда сақлашди. Гдлян ва Ивановларнинг тергов тегирмони чиғириғида роса айлантирилган бу одам ҳам олти йилча қамоқда ўтириб, саломатлигидан ажралиб қайтди. Раҳимов ўзига нисбатан ноқонуний тергов олиб борилганлиги, қўйилган айблар мутлақо асоссизлигини ёзмоқда.

Менимча Гдлян ва Ивановларнинг асл қиёфалари фош бўлишидан илгарироқ ўтказилган судлар ҳукмлари назорат тартибида яна бир бор кўриб чиқилиши шарт. Шундай қилинса, яна айрим хатоларни тузатиш мумкин бўлур эди.

Гдлян тергов тегирмони қурбонларидан бири Тўрткўл ноҳияси фирқа қўмитасининг собиқ биринчи котиби Қосим Нурумбетов бўлди. Унинг қандай инсон ва раҳбар эканлигини ҳамюртлари яхши билишади. У Элликқалъа ва Тўрткўл ноҳиялари комсомол, фирқа қўмиталарининг биринчи котиби бўлиб ишлаган, оқсоқол одам эди. Икки марта Ленин ордени билан мукофотланганди. Унинг ташаббуси билан кўплаб уй-жой, саноат корхоналари, маданий муассасалар қурилганди. Одамлар уни ҳамон ҳурмат билан эслашади.

Тергов пайтида Нурумбетовга ҳам имкони борича каттароқ айб қўйишга ҳаракат қилинди. Одамларни зўрлаб унга қарши кўрсатмалар олишди. Узоқ-яқин қариндошларининг уйлари тинтув қилинди. Айтишларича, уларнинг уйларидан нимаики чиқса «Нурумбетовники эди» деб ёздириб олишган. «Нега ҳақиқатни айтиб, бир сўзда туриб олмадинглар?», сўрадим улардан. «Ўша пайтларда Гдлян деса одам-ку одам, ер ҳам титрарди», — деди улардан бири. Дарҳақиқат, одамлар ундан азроилдан қўрққандек қўрқишарди. Унинг тергов гуруҳи одамларни бола-чақаси, хотинларини қамаш билан қўрқитишарди. Нурумбетовнинг хотини, оқ сочли кичик жуссали, касалманд, муштипар 55 ёшли Тўхта опа ҳам тўрт ой Тоштурмада ётди. Унинг икки ўғли турли муддатлар

2

билан асоссиз қамоқда ўтириб чиқди. Икки қизини ҳам терговга чақириб, зуғумлар ўтказишди.

Тергов жараёнида Нурумбетовга нисбатан тўпланган айбномалар қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини бугун айтолмаймиз. Унинг саломатлиги азобларга дош беролмади. У ўзининг айбсизлигини судда исботлашга аҳд қилган эди. Афсуски судгача етолмади...

Нурумбетов Москвадаги қамоқхоналардан бирининг касалхонасида оғир аҳволда ётарди. Бир неча дардга чалинган бу одам кун сайин ҳолдан тойиб борарди. Уни дарҳол бу ердан олиб чиқиб шифохонага ётқизиш ва даволаш зарур эди. Адолат, инсонийлик юзасидан, қонун номидан шундай қилиш керак эди. Ҳатто уруш пайтида асирга олинган ярадор фашистларни ҳам олдин даволашган-ку. Бу ерда эса жинояти бор йўқлиги ҳали аниқланмаган бир инсон ҳаёти сўниб бораётганлигидан ҳеч ким ташвишланмасди. Бу масалага СССР халқ депутати Аҳмаджон Мухторов аралашгач, Нурумбетов қамоқхонадан озод қилиниб, шифохонага ётқизилди. Икки ҳафтадан сўнг укаси ва ўғли уни уйга олиб келишди. Даволатишга кечикилган эди. Орадан уч кун ўтгач, у вафот этди... Бир пайтлар ўз элида ҳурмат қозонган, ҳамюртларининг фахрига айланган бир инсон қисмати бу.

Терговдан майиб-мажруҳ бўлиб чиққанлар, вафот этганлар учун ҳозирча ҳеч ким жавоб бераётгани йўқ. СССР халқ депутатлари съезди ва сессияларида бу жинояткорона ишлар муҳокама этилаётган кунларда терговчиларнинг ҳимоячилари кўпайиб қолди. Жойларда митингбозликлар авж олди. Кимларнингдир маблағи ҳисобига ишлаётган «Гдлян ва Ивановни ҳимоя қилиш қўмита»лари ҳамон шов-шув кўтармоқда.

Қонга ботган, таҳқирланган Ўзбекистон эса жим. Расмийлар ҳам, норасмийлар ҳам сукут сақлашяпти, кутишяпти. Аслида «Гдлян ва Ивановни фош этиш қўмитаси» бизда тузилиши керак эди. Начора, кутишга ўрганганмиз. Ҳукумат қарорлари, қонун-қоидаларига бўйсинувчи, юз хотирали халқмиз. Ишониб кўп алданган бўлсак-да, барибир ишонаверамиз. СССР халқ депутатлари масалани адолатли ҳал этишади, деб ўйлаймиз. Бутун бир халқни ҳақоратлаган, миллий ғурурига тош отганлар қўллари бир кунмас бир кун боғланади деб умид қиламиз. Акс ҳолда халқ ўз сўзини айтишига тўғри келади.

Қонунсизлик, адолатсизлик фақат Гдлян гуруҳигагина хос иллат эмас, унинг илдизи тузумимизда, қонунларимизнинг номукаммаллиги, ҳуқуқшуносларимизнинг чаласаводлигида. Жумҳуриятимизда ҳам «дўпписини ол» деса, бошини оладиганлар оз эмас. Асоссиз, зўрма-зўраки тўпланган материаллар, мантиқсиз хулосалардан иборат жиноий ишлар тергов органлари ва судлар ўртасида йиллаб сансалорликка учраб ётибди.

Жиззах вилояти Мирзачўл ноҳиясидаги «Советская Россия» совхозининг собиқ раҳбари Ҳайдар Абдураҳмонов тақдири бунга яққол мисол бўла олади. Унинг редакциямизга ёзган хатидан: «...Мен фалокат босиб 1982 йил февраль ойида Бутуниттифоқ касаба союзлари съездига делегат бўлиб Москвага бордим. Съезд тугагач, бир гуруҳ хўжалик раҳбарларини ўртоқ Горбачев қабул қилди. У ҳозир катта Озиқ-овқат программаси тайёрланаётгани, уни амалга ошириш йўллари ҳақида гапирди. «Агар сиз раҳбар экансиз, бир нарсага эътибор беринг, совхоз давлатдан қарздор бўлиб қолмасин, иқтисоди юқори бўлсин, бир йилни мўлжаллаб эмас, балки совхоз келажагини ўйлаб ишланг. Тўғри бўлсангиз ҳеч қўрқмай, ташаббус билан ишланглар», — деди.

Москвадан қайтгач, хўжалигимиз мутахассисларини тўплаб, эшитганларимни айтиб бердим. Ва шу йилнинг ўзида совхоз ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш учун бир қанча объектлар қуришимиз зарурлигини айтдим.

Уларни қонуний йўл билан қуриш учун бир неча юқори ташкилотларга бордим, ялиндим, ёлвордим, бироқ натижа бўлмади. «Қурилиш учун пул йўқ, смета йўқ. Бунинг устига қурилиш ташкилотларининг ўз планлари бор, титулга ҳозир киритиб бўлмайди, қурилиш материаллари йўқ. Сиз ҳашар йўли билан қуринг, қурилишлар битгач, совхоз киримига олинг, биз ҳам министрликка айтиб, сизга пул ажратамиз. Қурилиш материалларини қандай йўл билан бўлса-да топтиринг», дейишди.

Совхознинг план-топшириқлари эса йилдан-йилга ортиб борарди. «План —қонун, уни бажариш шарт!», — деган шиорлар бор эди. Бажариш осон эмасди. Қоғозда бажариш аввало жиноят, қолаверса хўжалик иқтисодиётини орқага суради. Нима қилиш керак?

Гўшт плани бор, молхона, чўчқахона йўқ. Тухум плани бор, товуқхона йўқ. Сабзавот етиштириш учун кўчат йўқ. Бу ишларни давлат қилиб бериши керак, деб қўл қовуштириб ўтиришим керакмиди?

Бунақа пайтда ҳеч бир раҳбар ёзма топшириқ бермайди. Оғзаки талабни қоғозга тикиб бўлмайди. Лекин мен нима қурдирган бўлсам ҳаммаси турибди. Икки йил давомида бу қурилишларни вилоятдаги ҳамма раҳбарлар кўришган. Ҳатто «ибрат олинглар», деб бошқа хўжалик раҳбарларига намуна қилиб кўрсатишди. Шу объектлар бўйича семинар ўтказишганди.

Хуллас, қувур, ёғоч, қурилиш материалларини ҳар жойдан топиб келдик. Ташландиқ темир-терсакларни йиғдик. Ҳашар уюштирдик. Атиги 67 минг сўм харажат қилинди...».

Бу қурилишларсиз хўжалик қаддини кўтаролмасди. Айрим ҳисоб-китобларга эътибор қилайлик. Ҳар йили катта пул сарфланиб карам кўчати сотиб олинарди. Карам кўчати етказадиган 3 та теплица қурилди. Биринчи йилиёқ, у 79 минг сўм даромад келтирди.

Йиғим-терим мавсумида ҳашарчи талабалар мактабларга жойлаштириларди. Дарс тўхтарди. Талабаларни далага олиб бориб, олиб қайтиш учун 10 та автобус хизмат қиларди. Ҳар бир автобусга кунига 160 сўмдан тўланарди. 600 литр бензин сарфланарди.

3

Бўлимлар ўртасида минерал ўғит учун қурилган каттагина омбор бор эди. Уни ремонт қилиб, жиҳозлашди. Талабалар учун ётоқхона тайёр бўлди. Шу каби қурилишлар, ташаббуслар ҳисобига 1983 йилда 2 миллион сўмга яқин даромад қилишди. Ўша йил охирида хўжаликка ревизия келди. Бу орада қишлоқ хўжалик бошқармаси ваъдасини бажармади. Акт билан кассадан олинган пул қайтарилмади. Кассада пул ўрнида актлар тўпланиб қолган эди. Нима қилиш керак?

Директор прораб билан маслаҳатлашди. Чўчқахона қурилиши учун бажарилган ишнинг 13 фоизига иш ҳақи ёзилди. Ведомость тайёрланди. Шу билан кассадан олинган 67 минг сўм қопланди.

Бажарилган ишнинг фойдаси аниқ эди. Ҳеч ким бир сўм емагани ҳам. Лекин ревизорлар негадир ана шу ведомостга ёпишиб қолишди. Директор тушунтиришга уриниб кўрди, улар эса ўз «дард»ларини айтишди. Келиша олишмади. Ревизорлар катта талон-торожликлар бор, деб ишни прокуратурага ўтказишди. Абдураҳмонов ҳимоя сўраб, Тошкент-у, Москвагача борди, тушунтирди. «Ишлайверинг, айтамиз, ҳеч ким сизни қамамайди», дейишди. Бироқ Мирзачўл ноҳия прокурори уни қамоққа олдирди. Абдураҳмонов дардини кимга айтишни билмай Ховос турмасида 7 ой ётди. Умиди суддан эди.

Вилоят суди аъзоси А. Эштемиров раислигида ўтган суд 119- модда 1-банди (давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш) бўйича унга қўйилган айбни асоссиз деб топди. 149-модда билан эса 3 йилга озодликдан маҳрум этди. Бу модда шарҳида кўрсатилишича, мансабдор шахс ўз хизмат мансабини суиистеъмол қилиш орқали давлат ёки жамоат манфаатларига муҳим зарар етказишга сабаб бўлган ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Х. Абдураҳмонов эса фақат молиявий қоидани бузган, холос. Унинг ҳаракатлари ҳеч кимга зиён етказмаган, қайтага давлатга минглаб сўм фойда келтирган-ку. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Н. Горелкиннинг вилоят судига тақдим этган маълумотномасида бу даромадлар аниқ таҳлил этилиб, кўрсатилган. Афсуски суд негадир буни ҳисобга олмади.

1988 йил 15 сентябрда «Правда Востока» рўзномасида унинг адолатсизликка учраётганлиги ҳақида материал чиқди. Сўнгра Мирзачўл ноҳия прокуратураси ишни ЎзССЖ ЖК 46-моддаси 4-қисми, яъни муддати ўтиб кетганлиги учун ёпди. Ўзининг ҳақлигига ишонган Х. Абдураҳмонов бунга ҳам рози бўлмади. Яна ёзди. Шуниси ажабланарлики, жиноий иш беш марта терговга қайтарилди. Беш марта ҳам Мирзачўл ноҳия прокуратурасига топширилди. Х. Абдураҳмонов устидан дастлабки терговни олиб борган, унинг бўйнига оғир жиноятларни қўйишга уринган терговчи бу ишни одилона олиб боришига кафолот бормиди? Асло. Шу боис иш бир неча ой ҳаракатсиз ётди.

Ўйлаб туриб ревизор-у терговчи ва судьяларнинг ақл-фаросати, билими нақадар ожизлигидан ачиниб кетасан киши. Қўшиб ёзишдан қочиб ягона тўғри йўлни танлаган раҳбарни нега тушунишмади? У таваккал билан иш бошлаганди. Бу ҳаракати ўзини оқлаганди. Давлатга катта даромадлар келтирганди. Агар ўша йиллари ҳар бир хўжалик раҳбари унинг йўлини тутганида эди, қўшиб ёзишлар бўлмасди, қанчалаб одамлар қамоқдан сақланиб қолинарди. Аслида Х. Абдураҳмонов қайта қуришни ўшандаёқ бошлаганди. Аммо у рағбатлантирилиш ўрнига жазоланди. Бизда бу ҳам одатга айланган. Ақл-заковатли, ташаббускор, ишбилармон одамларни қўрамиздан чиқиб кетганлиги учун калтаклаймиз, қоралаймиз.

Ушбу материал ёзилаётган кунларда адвокат Р. Кессель хабар қилиб қолди: Жиззах вилоят прокуратураси айби исботланмаганлиги учун Х. Абдураҳмоновни ниҳоят оқлабди.

У ўзини ҳимоя этиб, адолатсизликка қарши қарийб етти йил курашди. Ўз умрининг етти йилини совурди. Оиласи, қариндошлари, айниқса фарзандлари маънавий жабрланишди. Хўжалик ишбилармон раҳбардан ажралди.

Энди ўйлаб кўрайлик: ревизор, терговчи ва судьяларнинг чаласаводлиги сабабли айбсиз одамлар, давлат қанча зарар кўрди? Бизда масаланинг бу томони ўрганилмайди, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетаверади, қонунсизлик давом этаверади.

Бу «тегирмон»дан бутун чиқиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди

Биз яқин ўтмишимизни «турғунлик йиллари» деб атадик. Қайта қуришнинг дастлабки даврида йўл қўйилган хатолар, қонунсизликлар, топталган тақдирларни қандай изоҳлаймиз? «Хўлу-қуруқ баробар ёнган йиллар» дебми?

Не-не соф коммунистлар, тажрибали мутахассислар, раҳбарларни йўқотдик. Ҳалол одамларнинг тузумга, партияга бўлган ишончи, эътиқоди синдирилди. Айни кучга тўлган пайтида ғайрат билан ишлаши, халққа хизмат қилиши керак бўлганлар бадном этилди.

Ана шундайлардан бири Убайдулло Зубайдуллаевдир. У деҳқон оиласида тарбияланди. Қишлоқ хўжалик техникуми, сўнгра институтини тамомлади. Агроном бўлди. Комсомол ишларида хизмат қилди. Унинг ташкилотчилиги, дадиллиги тан олинди. 1973 йили Каттақўрғон ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиблигига сайланди. Ўша йиллари комсомол ходимининг келажаги асосан икки нарсага боғлиқ эди. Аввало суянчиғига, кейин билими ва иқтидорига. Унинг суянчиғи йўқ эди. Елиб-югуриб ишлади, эътибор қозонди. 1987 йил охирида қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Уч йилдан сўнг ноҳия шўроси ижроия қўмитаси раислигига ўтказилди. 1983 йилда Пахтачи ноҳия фирқа қўмитаси биринчи котиби бўлди... Бу орада «тўқайга ўт кетганди».

1988 йил 20 апрелда вилоят фирқа қўмитаси бюроси қарори билан Зубайдуллаев ишдан озод қилинди. Тергов тегирмонига тушганларни дарҳол ишдан олиш, партиявий жазо бериш қоидага айланганди. Шу билан раҳбарлар бало-қазодан ўзларини четлаштирмоқчи бўлишарди. Зубайдуллаевнинг «айби» нима эди?

«Вилоят прокуратураси терговчилари 1984 йилдан бошлаб мени айрим туҳматларга асосан сўроқ қилиб келди, — деб ёзади у. — 1986—88 йилларда, айниқса, авж олди. Сабаби, бир қатор коммунистлар устидан прокуратура райкомга маълумотнома юборди. Мен уларни ишдан бўшатмадим, партиядан ўчирмадим. Чунки уларга ишонардим. Вилоят прокурори вилоят партия фаоллари йиғилишида бунинг учун мени танқид қилди. Муносабатимиз ёмонлашди. Барибир мен ҳақ бўлиб чиқдим. Мен ҳимоя қилган ўша коммунистларни суд оқлади. Бироқ прокурор Еременко менга тазйиқ ўтказди. Беш йил илгари, яъни 1982—83 йилларда Каттақўрғон ноҳиясида пахта масаласи бўйича талон-торожликка йўл қўйилганлиги очилиб қолди. Ўшанда у ерда ижроия қўмита раиси бўлиб ишлагандим. Ноҳияда гўё мендан бошқа раҳбар йўқдек, бу масалада мени айбдор қилишди. Қандайдир йўллар билан менга қарши кўрсатмалар олишган. Туҳматлар асосида устимдан жиноий иш қўзғашди.

Мени депутатликдан чақириб олишни ноҳия ва вилоят советлари ижроия қўмиталаридан сўрашди. Еременко кетма-кет икки марта устимдан вилоят партия қўмитасига хат юборди». Ана шу хатларга асосан 1988 йил **20 апрелда** вилоят партия қўмитаси бюроси У. Зубайдуллаевни ишдан олиб, ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилди. Ваҳоланки, унинг устидан қўзғатилган жиноий иш **16 апрелда** ЎзССЖ ЖПК 5-моддаси 2-банди билан ёпилган эди. Бу ҳақда прокуратура фирқа қўмитасини негадир ўз вақтида хабардор қилмаган.

— Мени депутатликдан чақириб олишга эришганларида дарҳол қамашарди, — дейди у. — Бироқ халқ депутатлари ноҳия Шўроси розилик бермади. Шундан сўнг терговни кучайтиришди. Айбимга иқрор бўлишимни талаб қилишди. Тергов зуғумлари жонимдан тўйдириб юборди. Бор-э, деб тақдирга тан бергим ҳам келди. Лекин ёлғиз онам кўз ўнгимдан кетмади. Кечалари бошимни кўрпага ўраб йиғлаб чиққан кунларим ҳам бўлди. Қамалиб кетсам онам бардош беролмасди...

Убайдулло Зубайдуллаевнинг адолат учун кураши зое кетмади. Яқинда вилоят фирқа қўмитаси бюроси унинг шахсий иши бўйича янги қарор қабул қилди. Вазифасидан озод қилиш чоғида У. Зубайдуллаевга тергов органлари томонидан қўйилган айблар бекор қилинганлиги туфайли вилоят фирқа қўмитасининг илгариги қарори ҳам асоссизлиги учун бекор қилинди.

Сансалорлик, хом-хатала тергов ҳақида яна бир мисол: Тошкент вилояти Ғалаба ноҳиясида яшовчи Хадия Солиева ёрдам сўраб редакциямизга бир неча бор мурожаат қилди. У Ленин қишлоқ матлубот жамиятида китоб дўкони мудираси бўлиб ишлаган.

«...1985 йил 5 сентябрида магазинни топширдим, — деб ёзади у. — Орадан 11 кун ўтгач, менинг иштирокимсиз тафтиш ўтказишди ва менга нисбатан жиноий иш қўзғатишди. Биринчи ревизияда 2.700 сўм миқдорида ортиқ мол чиқибди. Бир ҳафтадан сўнг яна ревизия қилишди. 3.700 сўм камомад бор, деб бўйнимга қўйишди. Лекин ҳамма ревизиялар менинг иштирокимсиз ўтказилган. Имзоларни менинг ўрнимга бошқа одам қўйган.

1985 йилдан буён икки марта Ғалаба ноҳиясида, бир марта Оққўрғонда суд бўлди. Судья Холиқова мен билан тўғри муносабатда бўлмади. Кейин ишни терговга қайтарди. 12 февралда Оққўрғон ноҳияси судига чақиртиришди. Ҳайдаров деган судья яқинда ишимни кўрилишини айтди. Лекин ҳамон кутяпман. Ёшим 24 да. Беш йилдан бери азоб тортаман. Оилам бузилиб кетди, ҳеч қаерга ишга киролмаяпман. Бир фарзандим билан ота-онам қарамоғида ўтириб ман. Илтимос, ёрдам беринглар».

Бу жабрдийда аёл дардини эшитишни вилоят суди раиси В. Липатовдан сўрадик. У мазкур иш кўриб чиқилишини тезлатишга ваъда берди. Беш йилдан бери ишсиз, ҳимоясиз қолган, оиласи бузилган, ҳаётдан кўнгли совуган бу аёл тақдири нима кечаркин? У оқланди ҳам дейлик. Бошига тушган кўргуликларни хотирасидан ўчириб бўлмайди-ку.

Ҳуқуқлари поймол этилиб, тақдирлари топталиб, нажот истаб юрганлар оз эмас. «Фалончини қамашибди, яхши одам эди бечора», «фалончи қамоқда ўлибди-я», «фалончининг айби йўқ экан, оқланиб қайтибди». Бундай сўзларни хотиржам эшитишга ўрганиб қолганмиз. Кўз ўнгимизда энг зиёли одамларимиз, маърифатли раҳбарларимиз қамалишди, тараққиётимизга, маданиятимизга яна болта урилди. Миқ этмай туравердик. Биз бу хўрликларга, қонунсизликларга кўникиб қолганмиз. Ахир 70 йилдан буён бойларга, зиёлиларга, истеъдодларга қарши кўр-кўрона курашиб келдик. Мамлакатни камбағаллар, манқуртлар юртига айлантирдик. Қонунсизликлар, тўкилган қонлар, хазон бўлган тақдирлар учун ҳеч ким жавоб бермади. Тергов тегирмони бугун ҳам гувиллаб ишлаб турибди. Унинг овози одамлар фарёдини, нолаларини босиб кетаяпти.

«Ҳеч ким қийноқ остига олинмаслиги ёки шафқатсиз, ғайриинсоний, ёхуд унинг қадрини ерга урадиган муомала ва жазога мустаҳиқ этилиши мумкин эмас». Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Деклорацияси 5-моддасидаги бу чақириқ ҳам тергов тегирмонини тўхтатолмаяпти. Ҳуқуқий давлат тузилмас экан, бу тегирмон айланаверади..

Сафар ОСТОН.

4



Бепоён менинг Ватаним

КИМ КИМДАН ГЎЗАЛРОҚ?

Гўзаллик конкурсларига турли хил қарашлар мавжудлиги ҳаммамизга аён. Жумҳуриятимиз фуқароларининг каттагина қисми бундай конкурсларнинг бизда ўтказилишига салбий муносабат билдирадилар. Улар ўзларининг муносабатларини Шарқ аёлининг ташқи гўзаллигини намойиш этишни одобсизлик деб билиш билан изоҳлайдилар.

Бизда конкурс ҳақида баҳслар давом этаётган бир пайтда Оврупода уларни ўтказиш анъанавий тусга кирди. Жумладан, Ленинградда «Мафтункор малика — 90» иккинчи халқаро конкурси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг Оврупо, Осиё, Африқо, Америқо қитъаларидаги 31 мамлакатдан 32 гўзал иштирок этди. Гўзаллик конкурси пайтида «Миллий либос», «Оқшомги кўйлак» каби урф бўлган кўйлаклар намойиши маросими ҳам ўтказилди.

«Мафтункор малика—90» конкурсининг ғолибаси деб малайзиялик Кавита Каур Сидху топилди.

Шу каби конкурсларда иштирок этолмаган бўйи паст қизлар «Мен ҳаётда кўп нарса йўқотдим» деб юрган бўлишса, ажаб эмас. Уларнинг ўксинишига энди ҳожат қолмади. Зеро, «Шамол» («Ветер») ассоциацияси яқинда «Дюймчахон—90» конкурсини ўтказишга қарор қилди. Айни пайтда саралаш маросимлари ниҳоясига етай деб қолди.

СУРАТЛАРДА: Кавита Каур Сидху (чапдаги сурат ўртасида) «Мафтункор малика — 90» конкурси совриндорлари Ан Балдик (Бельгия), Ану Ули — Маенпаа (Финляндия), Регина Аскиа (Нигерия), Роберта Бреголин (Италия)лар билан. Ўнгдаги суратда «Дюймчахон — 90» конкурси иштирокчилари.

Суратлар муаллифлари: И. КУРТОВ, Д. СОКОЛОВ.
СИТА сурат лавҳаси.



Антиқа томоша

13 март куни жумҳурият қўғирчоқ театрига Ғарбий Ҳиндистондан Картерлар оиласи келганини эшитиб, жамоа бўлиб томошага тушдик. Томоша залига кириб хоҳлаган жойимизга ўтирдик. (Билетларда жой номерлари ёзилмаган эди.) Аста-секин зал тўла бошлади. Шу вақт рус мактаб томошабинлари келиб: «Туринглар, бу бизнинг жой» деб билетларини кўрсатишди. Дарҳақиқат, улар кўрсатган билетларда жой номери қайд этилган эди. Ноилож ўрнимиздан қўзғалдик. Томоша бошланди. Меҳмонлар дастлаб ўз миллий қўшиқларини ижро этишди. Ҳаммаси жойида эди. Доимо қўшни мактаб томошабинлари овозлари борича бақириб, ҳар хил масхарабозлик қилиб, уларга нисбатан ҳурматсизликлар қилишди. Уларни ўз ўқитувчилари тинчита олишмагач, театр маъмурияти аралашишига тўғри келди...


Қўшиқ давомида бизга меҳмонларнинг қабила бўлиб яшаши, улардан бири шу қабила оқсоқоли эканлиги, бир қизнинг миллий кийимини онаси уч йил тикканлиги маълум бўлди. Бу оиланинг аҳиллиги, баҳамжиҳатлиги шунда кўриниб турди. Оила аъзоларидан бири томоша сценарийсини ёзса, яна бири қўғирчоқларни ясаган экан. Ҳа, айтгандек, улар қўғирчоқларни ёғочдан ишлашаркан. Айниқса, қўғирчоқлардан денгиз маҳлуқи жуда чиройли, бежирим ишланган эди.

Томоша давомида биз уларнинг кўпроқ ўзбек тилида гапирганликларидан жуда хурсанд бўлдик. Аммо бизни таржимоннинг баъзи сўзларни рус тилига нотўғри таржима қилгани ташвишлантирди. Сўнг таржимон алмаштирилди. Наҳотки, бутун жумҳурият қўғирчоқ театрида ўзбек ва рус тилларини яхши биладиган таржимон топилмаса?

Қўғирчоқ театрининг масъул ходимлари билетларга жой номерини ёзишга эринишганлиги ачинарли ҳол.

Биз истардикки, мазкур қўғирчоқ театрида бундай камчиликларга келгусида йўл қўйилмаса.

Д. ОЛИМЖОНОВА,
Тошкентдаги 102-мактаб ўқувчиси.



ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

19 май куни Узбекистон пойтахтида атоқли сўз устасининг ҳайкали очилди. Мармар шоҳсупага шоирнинг бронзадан ясалган қиёфаси ўрнатилган. У дўстларини гўё суҳбатга чорлаётгандек, елкасида эса ўз асарларида куйлаган, тараннум этган хумо қушлари — семурғлар қўниб олган. Бу ёдгорликнинг муаллифлари ҳайкалтарош Я. Шапиро билан меъмор С. Одиловлардир. Ҳайкал унинг муътабар номига қўйилган метро бекати олдидаги Ҳамид Олимжон номли майдонда ўрнатилди.

Ушбу воқеага бағишланган митингни Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳмонов очди. Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғуломов, Узбекистон Халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, Тожикистон Халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий, шоира Ойдин Ҳожиева, ҳайкалтарош Яков Шапиро Ҳамид Олимжон ҳақида сўзладилар. Ҳайкал пойига анвойи баҳор гуллари қўйилди. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Узбекистон ССР Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков ҳайкал пойига саватларда гуллар қўйдилар.

Ҳайкал Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан жумҳуриятимизда ўтказилаётган тантанали кунларда очилди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА.
Суратчи Р. НУРИТДИНОВ. (УзТАГ).

Муносиб актёрлар танланса

Жумҳуриятимизда ўзбек романчилигининг асосчиси, таниқли адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан пойтахтимизда ўтказилган ва ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилган тантанали тадбирни томоша қилдик. Йиғилишда кўпгина санъат ва маданият арбоблари иштирок этиб, буюк истеъдод эгаси Абдулла Қодирий ҳақида ўз хотиралари, фикрларини баён қилдилар. Айниқса, ёзувчи Одил Ёқубов, кинорежиссёр Темурмалик Юнусовнинг маърузалари кишида диққатини ўзига тортди. Т. Юнусов сўзининг охирида адибнинг ўзбек кинорежиссёрларини кўпайтириш борасидаги фикрларини эслатиб ўтди.

Дарҳақиқат, бу нарса кино соҳасида ҳам, театр соҳасида ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Фақат ўзбек режиссёригина ўз халқига хос нозик томонларни, унинг изтироблари-ю қувончларини, соддалиги-ю андишалилигини, меҳнаткашлиги-ю болажонлигини, меҳр-оқибати-ю урф-одатларини, хокисорлигини, хуллас, ҳамма кечинмаларини тўла ҳаётий тарзда акс эттира олиши мумкин. Бу эса режиссёр олдига ижрочини танлай олиш каби масъулиятли вазифани кўндаланг қилиб қўяди. У маълум бир қаҳрамон образини яратиш учун танлаган ижрочи ролга мос келса, асар томошабин хотирасида муҳрланиб қолади. Ижрочи эса унинг севимли актёрига айланади. Бунга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида тасвирга олинган шу номли фильмни мисол қилиб олиш мумкин. Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим, Кутидор, Отабек, Ўзбек ойим образларини яратган актёрлар ўша давр руҳини томошабинга етказиб бера олганлар. Ёки шундай санъаткорларимиз борки, уларни ўз номлари билан эмас, балки яратган қаҳрамонларининг номлари билан аташади. Дейлик, бирор фильмдами спектакльдами Соиб Хўжаевни кўриб қолсак «э, Тошболта ошиқ-ку», дердик. Ёки фалон фильмда Хайрулла Саъдиев фалон қаҳрамон образини яратибди, дейишмайди-да, фалон қаҳрамон ролида «шум бола» ўйнабди, дейишади. Обид Юнусовни ҳам биз ўзининг исми-шарифидан кўра «Ўткирий» дейишга одатланиб қолганмиз.

Бундай муваффақиятга эришиш учун, назаримизда асар ҳам режиссёр, ҳам ижрочи томонидан пухта ўрганилган, улар яратмоқчи бўлган қаҳрамонлар қараши, ички дунёси чуқур таҳлил қилинган бўлиши керак, албатта. Масалан, «Олтин девор»даги Мўмин, «Қўқон воқеаси»даги Эргаш қўрбоши, «Ҳамза»даги Олчинбек, «Қутлуғ қон»даги Абдушукур, «Шум бола»даги «иннан кейин бой» образларини мабодо яна бошқа бир ижрочи яратса, биз буни ўзимизга сингдиролмаган бўлардик. Бу томошабин томонидан санъаткорга берилган юксак баҳо эмасми?

Агар режиссёр ижрочиларни танлашда озгина эътиборсиз бўлса ҳам, кино ёки саҳна асари томошабин томонидан ижобий баҳоланмайди. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида тасвирга олинган телефильмда Теша Мўминов Йўлчини шундай латта-ландовур қилиб тасвирлайдики, ҳатто ҳозир баъзилар боласи бироз имилласа «э, Йўлчивой, тезроқ қимирла», дейдиган бўлишган. Тўғри, Йўлчи қишлоқда туғилиб ўсган, содда, бутун жисмидан куч ёғилиб турган навқирон йигит, лекин ландовур эмас. Бизнингча, роль актёрнинг етакчи ижрочи бўлганлигига қараб эмас, балки ҳамма томонини, жумладан, ёшини ҳам эътиборга олган ҳолда тақсимланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Санъат Девонов яратган Йўлчи билан Теша Мўминов яратган Йўлчи ўртасида ниҳоятда катта фарқ бор.

Тамара Маҳкамованинг ижрочилик маҳоратини тан оламиз. У Нурининг шаддодлигини, енгил табиатлилигини ярата олган, бироқ ёши ролга мос эмас. Ахир Нури Гулнордан фақат бир ёшгина катта. Видеофильмда эса фарқ яққол кўзга ташланади. Ёки Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асари асосида суратга олинган фильмдаги Анвар образига Исамат Эргашев тўғри, Раъно образига эса Тамара Шокирова нотўғрироқ танланган. Чунки асар Раънони ҳовли юзида икки укасининг ўртасига тушиб, улар билан лой ўйнаб ўтирганлиги, ер супуриб ётган соч ўримларининг тупроққа беланганлигидан хабарсизлигини тасвирлаш билан бошланади. Гўшт кўтариб йўлакдан кирган Солиҳ Маҳдумнинг кўзи Раънонинг юқорида тасвирланган ҳолатига тушади. «Балли, Раъно, ана жинниликI... Уят эмасми? Юв қўлингни, юв! Укаларингни бола десам, сен улардан ошиб тушасан!... Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳуснихат ол; сен кулолнинг қизи эмассанки...» деган гапларни ўқиб, Раънонинг 14-15 ёшли қиз эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахир Раъно ҳали бола, болалигига бориб, лой ўйнаб, дадасидан дакки эшитади. Кейинчалик асарнинг «Раъно» деб номланган бўлимида уни 17 ёшга тўлганлиги ёзилади.

«Ўтган кунлар» фильмидаги Кумушбиби образини яратган Гулчеҳра Жамилованинг ҳам ёши Кумушбибига у қадар мос эмас. Кумушбиби 18-20 ёшлардаги қиз бўлиб, унга шу ёшдаги қизлар олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Наҳотки Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институти ёки олий ўқув юртлари талабалари орасида, қолаверса Ўзбекистонда шу образга мос қиз топилмаса? Топилади, албатта, бироқ бунинг учун изланиш керак. Шундагина фильм томошабинларда ўчмас таассурот қолдириши мумкин.

Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган тадбирнинг бадиий қисми бошланишида бир актёр (афсуски, мен исми-шарифини билолмай қолдим) Абдулла Қодирий образида саҳнага чиқди. У шунчалик яхши танланганки, назаримда адиб тирилиб, қаршимизда тургандек бўлди. Буни кўриб, «Меҳробдан чиққан чаёнлар» қандай ҳолга тушганликларини (агар виждонлари бўлса) тасаввур қилиш қийин эмас.

Йиғилишда ёзувчи асарлари 6 жилдли тўплам бўлиб чиқажаклиги, улар яна саҳналаштирилажаклиги айтиб ўтилди. Биз мухлис сифатида янги тасвирга олинадиган фильмлар, жумладан, кўп серияли «Ўтган кунлар» фильмига ёш истеъдод соҳиблари жалб этилишини, саҳна асарлари томошабинга манзур бўлиши, унда чуқур таассурот қолдириши учун муаллифлар изланишларини сўрардик. Ёки ёшлар ҳозирча умумий саҳналарда чиқиб тураверсинлар, 40-45 ёшларга тўлгач, бош ролларга чиқсалар ҳам бўлаверади, қабилида иш кўриладими?

К. ТУРНИЯЗОВА,
Самарқанд Давлат дорилфунуни ўқитувчиси.

ГОЛЛАР, ОЧКОЛАР, ҚУВОНЧУ...

Италияда бошланадиган жаҳон чемпионатига саноқли кунлар қолди. Терма командалар сўнгги тайёргарликни ўтказишмоқда. Маълумки мамлакатимиз футболчилари чемпионат арафасида Исроил терма командаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказиб ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. Асосан Киев динамочиларидан тузилган терма командамиз ҳақида мутахассислар турли фикрларни билдиришяпти.

Жаҳон чемпионати арафасида мамлакат биринчи ва олий лига клублари баҳслари ҳам тобора қизимоқда. Биринчи лигада 10-тур ўйинлари ўтказилди. «Динамо» (Ставрополь) ўз майдонида Кемеровонинг «Кузбасс» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Ростсельмаш» Москва локомативчиларига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Бошқа ўйинлар натижалари: «Кубань» — «Тирас» — 1:3, «Динамо» Сх — «Таврия» — 0:0, «Нистру» — «Спартак» — 0:2, «Металлург» — «Котайк» — 1:0, «Локоматив» Г — «Шинник 2:0, «Факел» — «Геолог» — 1:1.

Биринчи лига футболчилари ўртасида «Пахтакор» ўйинчиси Игор Шквирин ҳамон бомбардирлик қиляпти. У рақиблар дарвозасига 8 та тўп киритди. «Нистру» ўйинчиси Проценко ундан икки тўп орқада.

Иккинчи лигада навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Натижалар қуйидагича. «Вахш» — «Олга — 0:2, «Сурхон» — «Химик» — 1:1, «Сўғдиана» — «Навбаҳор» — 1:1, «Мелиоратор» — «Спартак» — 3:0, «Нефтяник» — «Копетдоғ» — 2:0, «Автомобилисть» — «Зарафшон» — 1:0, «Амур» — «Звезда» — 2:1, «Океан» — «Иртиш» — 0:0, Трактор» — «Шахтёр» — 3:0, «Динамо» — «Қайсар» — 1:0.

Футбол ёш ҳам, амал ҳам танламайди. Ҳатто хотин-қизлар ҳам тўп суришга киришиб кетишди. Дунёнинг турли чеккаларида футболга оид қизиқарли воқеалар, ҳангомалар бўлиб туради. Яқинда Бразилияда ўтган бир ўйин ҳақидаги хабар тез тарқалди. Машқ пайтида бразилияликлар икки гуруҳга бўлиниб ўйнашлари керак эди. Икки ўйинчи эса бу учрашувда иштирок этолмаётганди. Тренер улар ўрнига майдонга машҳур Зикони туширди. У ҳозир спорт вазири лавозимида ишлаяпти. У билан биргаликда майдонга Бразилия президенти Фернандо Колор де Мелло ҳам майдонга чиқди. Президент илгари каратэ бўйича мамлакат чемпиони бўлган. Футбол ўйнашда ҳам у кўпчилик эътиборини қозонди. Ҳар ҳолда Бразилия терма командасининг дарвозабони Таффарел президентнинг 11 метрли жарима белгисидан тепган тўпини қайтаролмади.

Синовлар ҳали олдинда

«Меҳнат резервлари» спорт кошонасига борганимда ёшгина, гавдаси тўладан келган йигитнинг эпчиллик билан рақибининг устидан ғалаба қилганини кўриб, унинг маҳоратига қойил қолдим. Иложини топиб у билан яқиндан танишиб, гаплашишни кўнглимга тугиб қўйдим. Орадан бир неча кунлар ўтди. У билан учрашдим. Бу ёш полвон Мансур Тошкенбоев бўлади. 1973 йилда туғилган. Акмал Икромов ноҳиясидаги 203-ўрта мактабнинг 10-синфида ўқийди. Эркин кураш бўйича СССР спорт мастерлигига номзод.

Мансурнинг спортга кириб келиши тасодиф бўлмади. Мусиқа мактабига қатнаб юрганида ўзидан сал гавдалироқ синфдоши билан кураш тушиб, енгилганини ҳали-ҳали эслайди. Бир ҳафта яхши тайёргарлик кўрди. Кураш тушиш сирларини ўрганди. Алам қилса, ёмон бўларкан. Мансур ўзидан бир неча килограмм оғир бўлган ўша синфдошининг курагини ерга теккизди. Лекин у бу билан тинчимади. Курашни кўча-кўйда давом эттириб юрди. Бўлмади. «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деганларидек, Мансурнинг ҳам унчалик омади чопмади. У бор-йўғи 3-4 хил усулни биларди, холос. Мансур 12-ҳунар-техника билим юртида сабоқ берувчи Мухтор Мамедов тўғрисида эшитган эди. Мухтор ака ишига пишиқ экан. Мансурни 15 кун синади. Агар машқларига тоб берса ундан одам чиқади, агар чидолмаса катта кўча... Устоз шогирдларига нисбатан қаттиққўл, талабчан ва меҳрибон. Унинг курашчиларга талаби битта: спиртли ичимликларни ичмаслик, чекмаслик, қимор ўйнамаслик.

Полвоннинг катта майдонга чиққанига унча кўп бўлмади. Дастлаб жумҳурият миқёсидаги беллашувда Тошкент вилоятилик рақибига ютқазиб қўйди.

— Рақибимнинг имкониятларини тўғри баҳолай олмадим, бунинг устига бундай мусобақаларда биринчи иштирок этаётганлигим учун бироз ҳаяжонландим, — дейди у.

Ёш полвон ўз устози ишончини оқлашга ҳаракат қиляпти. У жумҳурият миқёсида ўтказилган мусобақаларда тўрт марта иккинчи, икки марта учинчи ўринларни олишга муяссар бўлди.

Унинг эрталаб биринчи навбатда қиладиган иши уч километрга югуриш. Кейин қисқа масофага югуриб, ўз тезлигини синаб кўради. Унинг машқлари орасида тош кўтариш, акробатика, гимнастика каби спорт турлари ҳам бор.

Дала юмушлари билан ҳам шуғулланиб тураман, — дейди полвон. — Яқин қариндошларимизнинг дала ерларида кетмон чопиб маза қиламан. Қишлоқнинг тинч ҳаёти менга ёқади. Соф, тоза қишлоқ ҳавосига нима етсин. Спортчи учун тоза ҳаво зарур.

Мансур жароҳатланганлиги сабабли бу йил мамлакат миқёсида Тошкентда ўтган мусобақаларда қатнаша олмади. Лекин у руҳан тушмади. Машқларни давом эттираяпти. Эндигина 17 ёшга тўлган ёш полвоннинг асосий ғалабалари олдинда ҳали. Фақат чидам билан меҳнат қилиши, қийинчиликлардан чўчимаслиги керак.

Абдулла МИРЗА.
Тошкент шаҳри.

ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА СОВРИНЛАР

19 май куни Узбекистон пойтахтида болалар ижодиётининг «Булбулча-90» жумҳурият фестивали очилди. Унинг қатнашчиларини беш юз дона совға кутмоқда. Байрамда худди шунча бола қатнашмоқда.

М. Горький номли болалар боғининг майдончалари ва саҳналарида, баъзида эса бевосита хиёбонларда мусиқа ва қўшиқлар янгради. Нукус мактаб-интернатининг ёш қўғирчоқбозлари ўзлари саҳнага қўйган асарни намойиш этдилар, Хоразм болалар уйининг тарбияланувчилари эса бу ерга рақс ва вокал-чолғу ансамбларини олиб келишди. Бухоро ва Тошкент, Фарғона ва Самарқанднинг ёш рассомлари, суратчашлари, конструкторлари ўз асарларини кўргазмага қўйишди.

(УзТАГ мухбири).

ИРОДАЛИ ЙИГИТЛАР

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг спорт кошонасида бу гал одатдагидан бошқачароқ мусобақалар бўлиб ўтди. Спортчиларни дастлаб «Гулруҳ» ансамбли қатнашчилари ўз ашула ва рақслари билан табриклашди. Сўнгра ногиронлар ўртасида оғир атлетика бўйича ўтказилаётган биринчи Бутуниттифоқ мусобақасини ростов-донлик К. Шеглов бошлаб берди.

Ҳаётнинг жуда кўп азоб-уқубатларини бошидан кечирган бу спортчи ҳақида кўп ёзилган. Гап шундаки, у энг гуллаган ёшлик даврида оғир жароҳатланган, 1959 йил эса иккала оёғини кесишади. Шундай қийинчиликларга қарамасдан у барибир спортни тарк этмади. Касаллик охири чекинди. Ҳозир К. Шеглов жумҳурият тоифасидаги ҳакам.

— Мусобақани кўп сонли ногиронларнинг талаблари асосида ташкил қилдик. Иштирок этиш учун бир нечта қардош жумҳуриятлардан 56 нафар киши ташриф буюришди, — дейди мусобақа бош ҳаками, оғир атлетика бўйича жаҳон рекордчиси Эркин Каримов.

Ўзбекистонлик мусобақа қатнашчилари билан учрашдик. «Азамат Аблаевман» деб ўзини таништирди ҳассага суянган йигит. — Жумҳурият ногиронлар ҳунар-техника билим юртида телеусталикни ўрганяпман. Оғир атлетика билан шуғулланаман. Билим юртимиздан Эдуард Собиров, Ортиқ Алимбеков, Темир Бекировлар мусобақаларда қатнашдилар.



— Вазни 51 кг бўлган украиналик Сергей Янковский 80 кг, Бахт Боғчиев (57 кг Қирғизистон) 87 кг оғирликни ётган ҳолда кўтарди. Вазни 65 килограммлар ўртасида эса Юрий Кесаев (РСФСР 90 кг) ғолиб чиқди.

Ёшлигимда уколдан кейин касал бўлиб қолдим, — дейди Сергей Янковский, — оёқларим ҳаракат қилмасди. Кўп даволандим. Тузалмадим. Кейин дўхтирлар иккала оёғимни кесиб ташлашди. Кўча-кўйда чопиб кетаётган тенгдошларимга ҳавас қилардим.

У руҳан тушмади. Уйида ўтирган жойида ҳам спорт билан мунтазам шуғуллана бошлади. Олдинига кичик тошларни кўтарди. Кейин каттароғини...

Сергей ва унга ўхшаш йигитларни кўриб инсон иродаси кўп нарсага қодирлигини яна бир бор ҳис этдик.

А. МИРЗАЕВ.

* * *

Суратда мусобақадан лавҳа.

Суратчи А. КУРТМУЛЛАЕВ.

ТВ

23 МАЙ — ЧОРШАНБА

● УзТВ I

11.30 «Унутилган кемалар тақдири». Телефильм. 12.00 «Флейта». Ҳужжатли фильм. 12.30 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Саратовдан таъзим». Телефильм. 18.10 «Алиса мўъжизалар мамлакатида» туркумидан мультфильм. 2—3 фильмлар. 18.30 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». Ҳуқуқий давлат муаммолари ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Долзарб мавзу. 20.25 Реклама. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг янги программаси. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Эрта келган турналар». Бадиий фильм («Қирғизфильм» — «Ленфильм»). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

17.50 Спорт кўрсатуви. «ДОСААФ — жасорат майдони» (рус тилида). 18.20 М. А. Шолохов туғилган куннинг 85 йиллигига. «Инсон тақдири». Бадиий фильм («Мосфильм»). 20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. Тошкент вилояти партконференцияси олдидан.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Нури зиндаги». Колхозобод ноҳияси.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм. 1, 2 ва 3-сериялар. 8.25 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 10.40 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Компьютер билан мулоқот. 16.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.00 Олмаота — Хиросима телекўприги. «Дунё сайловчилари ядро қуролига қарши». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телвизион хизмати. 18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.00 «Нодипломатик суҳбатлар». Кўрсатувда сенатор Эдвард Кеннеди иштирок этади (АҚШ). 19.20 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Менинг Чайковскийим». М. И. Прудкин ҳикоя қилади. 21.50 «Тинч Дон» асарини компьютер ўқийди. 22.10 «Пешқадамлар паради». Вечерняя Москва» рўзномасининг мусиқий марафони. 23.40 «Ёддан чиқармаганлар ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград). 00.10 Футбол. Европа чемпионлари кубоги Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). Австриядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «ТСН». Янгиликлар телвизион хизмати.

● МТ II

16.30 «Илья Сельвинский. Йўл бошида». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.10 «Студиямизда «Антон-квартет». 17.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ингерманландия ери» (Ленинград). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 4-қисм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04559.
Д — 23469.